

صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

# ПАЙҒАМБАРИМИЗ ТАҲОРАТЛАРИ ВА НАМОЗЛАРИНИНГ СИФАТИ

(Мухтасар)



Ислом нури веб саҳифасининг 09/27/2010  
(Шаввол/18/1431) да берган мувофиқлигига биноан чоп этилди.

Ушбу китоб ахли суннат ва жамоат уламолари жумладан: Шайхулислом Ибн Таймия, Ибнул Қаййим Ал-Жавзия китоблари ва асосан асримизнинг алломалари, шайх Муҳаммад Носируддин ал-Албоний, раҳимаҳуллоҳнинг “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг тақбирдан саломгача худди кўриб турганингиздек бўлган кайфияти” китобларидан олинган жамланма сифатида тавсия этилмоқда. Аллоҳ у зотларнинг барчаларини улуғ мукофотлар билан мукофотласин.

Пайғамбаримиз намозларининг сифати китобидан,

**Таржимон:** Муҳаммад Исмоил

**Бош мұхаррір:** Ислом нури таҳририяты

Муҳтарам китобхон! Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳорат, намоз ва намоздан кейин ўқиган дуо, сура ва зикрларини ушбу китобча билан бирга берилган **Audio CD** орқали ёдлаб олишга ҳаракат қилинг. Янада кенгрок ўрганмоқчи бўлсангиз [www.islamnuri.com](http://www.islamnuri.com) вэб саҳифасининг “**Мусулмон қўргони**” бўлимига мурожаат қилинг.

المملكة العربية السعودية الرياض

٢٠١٢/١٤٣٣

Нашр қилинди 2012 (1433, ҳж)

Саудия Арабистони Риёз

[www.islamnuri.com](http://www.islamnuri.com)

Email: admin@islamnuri.com



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Барча мақтovлар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфорлар айтиб, ундан нафсимизнинг шумлиги ва амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани тўғри йўлга солувчи зот йўқдир. Мен «Ягона, шериксиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва расулидир» деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шундай дейди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقًّا تُقَاتَهِ وَلَا تَمُوتُنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴿١٠٢﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!». <sup>1</sup>

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبِّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْضَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴿١﴾

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уругларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир». <sup>2</sup>

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا ﴿٧٠﴾  
يُصْلِحْلَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْرًا عَظِيمًا ﴿٧١﴾

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси: 102

<sup>2</sup> Нисо сураси: 1

**«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!**  
(Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни  
**мағфират қиласи.** Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса,  
бас у улуғ бахтга эришибди».<sup>3</sup>

Сўнг...

Дарҳақиқат, сўзларнинг рости – Аллоҳнинг Каломи, йўлларнинг яхшиси – Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўли, ишларнинг ёмони – (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат – залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтувчиdir.<sup>4</sup>

---

## **МУҲИМ ЭСЛАТМА!**

Уламолар:

“Куръонни араб ҳарфларидан бошқаси (транскрипсия) билан ёзиши жоиз эмас. Чунки тўрт мазҳаб аҳлиниң уламолари расми усмонийни саклаши вожиб эканига иттифоқ қилганлар...”, деб фатво беришган.

“...Бундан ташқари агар бу эшик очилса (яъни Куръонни араб ҳарфларидан бошқаси билан ёзиши), вақтлар ўтиши билан аввалги китобларда бўлганидек, Куръонни ҳам ўзгартириб юборилиши хавфидан хотиржам бўлиши мумкин эмас. Бас, Исломни асл ҳолида саклаши, фасод ва ёмонлик йўлларини тўсии учун бундай ишини ман этиши вожиб бўлади...”<sup>5</sup>

“...Куръони карим лотин (ёки кирил) ҳарфлари билан арабча лафзларда ёзилса, Куръон талаффузида албатта нуқсон ва бузилиши рўй беради. Бундан ўз навбатида маъно ўзгариши ва бузилиши келиб чиқади...”<sup>6</sup>.

Шунга асосланиб, китобхонларга тавсиямиз шуки, араб алифбосини ва тажвид қоидаларини ўрганиб, Куръон ва дуоларни арабча матнда ўкиб ёдлаш ва қироат қилиш мақсадга мувофик бўлади.

---

<sup>3</sup> Аҳзоб сураси : 70,71

<sup>4</sup> Бу хутбани “Хожат хутбаси” деб аталади. Муфассал ўрганиш учун шайх Албонийнинг “Хутбатул-хожа” китобига мурожаат килинсин

<sup>5</sup> Шайх Мухаммад Рашид Ризонинг “Манор” тафсиридан. Исламвеб сахифаси №32300

<sup>6</sup> Ал-Азҳар фатво қўмитаси

## МУҚАДДИМА

Оламлар Робби Аллоҳга ҳамду санолар, Пайғамбаримизга ва у зотнинг аҳли ва асҳобига салавоту саломлар бўлсин. Бу китоб Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳоратлари ва намозларининг сифати мавзусида бўлиб, уни муҳтасар шаклда ва иборалари енгил бўлишига ҳаракат қилинди.

Авваламбор, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини ўрганишимииздан олдин, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизларни нима учун яратганини, нима учун намоз ўқишига буюрганини ва бу намозни қандай ўқиши кераклиги ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз.

Аллоҳ таоло оламни яратди, Одам фарзандини мукаррам қилди, ва унга хоҳиши-ихтиёр сифатини бериб, еру-кўкни, ундаги барча мавжудот, наботот, ҳайвонот олами, тоғу-тошларни инсон учун бўйин сундириб қўйди. Инсонни бу оламдаги мавжудот учун яратмади. Инсонни Аллоҳ тарафидан топширилган Хилофат (Аллоҳнинг ҳукмларини Ерда ижро этадиган киши) вазифасини бажариш учун яратиб, башариятнинг ҳидоятига сабаб бўлишилиги учун ҳар замон ва маконда ҳалқлар ичидан энг покиза, улуғ инсонлар Пайғамбар (Аллоҳнинг ҳукмларини инсонларга етказадиган, Элчи) ларни танлаб, Ўзининг шариати (Аллоҳга ва Унинг дастури бўйича қандай ҳаёт кечириш кераклигини кўрсатувчи йўл) ни инсониятга юборди. Ва ниҳоят, башарият, гўёки гўдаклик босқичидан камолга етиб вояга етгандан сўнг Ўзининг қиёматгача ўзгармас Қуръон китобини ва Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баён қилган суннат (йўл)ларини мерос қилиб, ушбу меросда Аллоҳ таоло қиёматгача инсониятга керак бўладиган ҳамма нарсани баён қилди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг қуръонида шундай дейди:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونَ ﴿٥٦﴾

**«Мен жин ва инсонни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим».<sup>7</sup>**

Ибодат - бу Аллоҳ таоло томонидан яхши қўрилган барча зоҳирий ва ботиний (кўриниб турадиган ва кўринмайдиган) амаллардур, бундай амалларга: Аллоҳгагина илтижо қилиб дуо қилиш, намоз ўқиши, Аллоҳдангина қўрқиши, Аллоҳнинг ризолиги учунгина рўза тутиш, закот, ҳаж ва бошқа шу каби Аллоҳга севимли барча амаллар ва Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ўзини тийиш ҳам ибодатга киради.

<sup>7</sup> Ваз-Зариёт сураси: 56

Биз Аллоҳга Аллоҳ таоло ва Унинг Расули соллаллоҳу алайхи ва саллам қандай буюрган бўлсалар, шу тарзда ибодат қиласиз, бу ҳакда Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحِبِّكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ عَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣١﴾

«Айтиңг (эй Мухаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қиласиди. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир».<sup>8</sup>

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бошқа бир маҳлуқотларга бермаган ихтиёр сифатини фақатгина инсонларга бериб, инсонларни баъзи нарсаларга буюриб ва баъзи нарсалардан қайтарди. Инсон шу буюрилган нарсаларининг ичидаги биринчиси ва асосийси тавҳидидир (Аллоҳнинг яккалиги). Мўминни мушриклар (кофирлар) дан ажратадиган сифат Аллоҳни Ўзигагина ибодат қилишдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қайтарган нарсаларининг ичидаги энг биринчиси ва энг каттаси ширкдур (Аллоҳга ширик келтириш). Ширк амалига гирифтор бўлиб ва шу амал билан ҳаётдан ўтган инсонни Аллоҳ таоло кечирмайди ва унинг жойи абадий жаҳаннамдадир.

Бунга далил :

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرِكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَ إِنَّمَا عَظِيمًا ﴿٤٨﴾

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибдир».<sup>9</sup>

Инсон, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ягона маъбуд эканлигини исботлагандан кейин, ширк амалидан узоқ бўлгандан кейин, унга фарз бўлган амаларинг энг биринчи ва асосийси намоздир. Намоз бу эркагу-аёлга, ёшу-қарига,

<sup>8</sup> Оли Имрон сураси: 31

<sup>9</sup> Нисо сураси: 48

кattaю-кичикка, хуллас ўз ақlinи tаниган va балoғatтa етган ҳар бир мусулмонга фарздир!

Аллоҳ тaолo айтади:

قُلْ لِعِبَادِيَ الَّذِينَ آمَنُوا يُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُفِقُّهُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً مِّنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا بَيْعٌ فِيهِ وَلَا حِلَالٌ ﴿٣١﴾

«(Эй Мұхаммад), иймон келтирган бандаларимга айтинг, намозни мukammal ado этсинглар ҳамда савдо-сотик ва ошна-оғайнигарчилік бўлмайдиган Кун (қиёмат) келмай туриб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошкора эҳсон қилсинглар!»<sup>10</sup>

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Қиёмат куни банданинг энг биринчи ҳисоб қилинадиган амали намоздир. Агар намози яхши бўлса, зафарга эришади. Намози ёмон бўлса, зиёнкор, ноумидлардан бўлади. Агар фарз намозларидан бирон ками чиқиб қолса, Аллоҳ тaолo (фаришталарига): “Қаранглар, бандамнинг нафл намозлари борми?” дейди. Агар нафл намозлари бўлса улар билан фарз намозларнинг камчилиги тўлдириб қўйилади. Кейин бошқа амаллари ҳам ҳудди шундай ҳисоб қилинади», дедилар.<sup>11</sup>

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, намозда у зотга эргашишимизни вожиб қилиб:

«صَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أَصْلَى»

«Менинг намоз ўқиганимни қўрганингиздек намоз ўқинглар»<sup>12</sup>

деб буюрдилар.

У зот ўқиганларидек намоз ўқиган кишини Аллоҳ тaолo жаннатга киритишига ваъда бердилар.

<sup>10</sup> Иброҳим сураси: 31

<sup>11</sup> Имом Абу Довуд Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган (Шайх Албоний бу ҳадисни сахиҳ деган.)

<sup>12</sup> Бухорий ва Муслим ривоятлари.

## ТАХОРАТ

Аллоҳ таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيهِكُمْ إِلَى  
الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوفٍ سُكْنُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ ﴿٦﴾

«Эй мўминлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиганоқларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз (яъни нам қўлларингиз билан силангиз) ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз!»<sup>13</sup>

Ушбу ояти карима шунга далолат қиласиди, намоз учун таҳорат қилиш фарздир. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай таҳорат қилиш кераклигини сўзлари ва амаллари билан етарли даражада тушунтириб бердилар ва:

«Сизлардан бирингиз то таҳоратни Аллоҳ буюрганидек мукаммал қилмагунича - юз ва қўлларини тирсакларигача ювиб, бошига масҳ тортиб, оёқларини тўпиқларигача ювмагунича унинг намози комил бўлмайди». дедилар<sup>14</sup>

### Таҳоратнинг фарзлари:

1. Юзни мукаммал ювиш.
2. Икки қўлни чиганоқлар билан қўшиб ювиш.
3. Бошнинг ҳаммасига, шу жумладан қулоқларга масҳ тортиш (яъни, нам қўл билан силаш).
4. Икки оёқни ошиқлари билан қўшиб ювиш.
5. Тартиб. Яъни, аввал юзни, кейин икки қўлни ювиш, кейин бошга масҳ тортиш, кейин оёқларни ювиш.
6. Кетма-кетлик. Бир аъзони ювиш билан иккинчи аъзони ювиш ўртасида бошқа бирон иш билан машғул бўлиб қолмаслик.

<sup>13</sup> Мойда сураси: 6

<sup>14</sup> Абу Довуд ва бошқалар ривоят қилган

## ТАҲОРАТНИНГ СИФАТИ

Аввало таҳоратни ният қиласи, Ният, қалбда содир бўладиган амалдир, уни тил билан ният қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлмаган.


1. **بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ «Бисмиллах»** (*Аллоҳ номи ила*) билан бошлайди.



2. Кўлларини (ошиққача) уч марта ювади, ювишни ўнг қўл билан бошлайди.



3. Ўнг қўл билан уч марта мазмаза (офиз чайқаш) қиласи.



4. Уч марта истиншоқ (бурунга сув олиб, қоқиш) қиласи. Бурнига ўнг қўли билан сув олиб, чап қўли билан қоқади.





5. Юзини уч марта ювади. Юзнинг чегараси – узунасига бошнинг одатда соч ўсган еридан тортиб, жағ ва юзнинг икки тарафидаги сұякларгача. Энига эса – қулоқдан қулоққача. Соқол туклари ҳам юздан саналади, уларни ҳам ювиш лозим. Агар соқол сийрак бўлса, ичиға сув етказиб ювиш лозим, агар қалин бўлса, ташини ювилади ва ичиға тахлил қилинади (яъни, орасига хўл бармокларни киритилади).



6. Икки қўлинин чиганоқлари билан қўшиб ювади. Бу ерда қўлнинг чегараси – тирноқлар учидан тортиб, азуд (елка билан билак оралиғи)нинг бошланиш жойигача. Қўлларни ювишдан олдин уларга ёпишган хамир, лой, тирноқлардаги қалин (лак) бўёқларни кетказиш зарур, улар остига сув етиши лозим.




7. Бошининг ҳаммасига янги сув билан масҳ тортади. Масҳ тортиш кўриниши – нам қўлларини бошининг олди томонидан орқага, то бўйнигача юргизиб, кейин яна бошлаган жойига қайтариб олиб келади.



Таҳоратда бўйинга масҳ тортиш масаласида<sup>15</sup> Аллома Ибн ал-Қойим раҳимахуллоҳ дедилар: «Бўйинга масҳ тортши ҳақида бирорта ҳам саҳиҳ ҳадис йўқ». <sup>16</sup>



8. Икки кўрсаткич бармоғини қулоқлари ичига киргизиб, қулоқ ташқарисини бош бармоқлари билан суртади.



9. Кейин оёқларини тўпиқлари билан қўшиб ювади, тўпиқ – болдирнинг пастки томонида туртиб чиққан иккита суяқдир.

Таҳорат қилган киши сочиқ ёки бошқа нарса билан артинса, зарари йўқ.

<sup>15</sup> Имом Нававий раҳимахуллоҳ дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам таҳоратда бўйинларига масҳ тортганларни борасида бирорта саҳиҳ нарса йўқ». «Ва бу Суннат эмас, аксинча бидъатdir» (Қаранг: «ал-Мажмӯъ» 1/499).

«Ал-Мабсүт» китобида ханафий уламоларнинг баъзиларидан бўйинга масҳ тортиш таҳорат амалларидан эмаслиги ҳақида ривоят қилинган.

<sup>16</sup> Қаранг: «Зодул Маъад» 1/187

Мусулмон биродар! Унутмангки, таҳоратни комил қилиш, (яъни аъзоларга тўла сув етказиш, бирон аъзога сув етмай қолмаслиги) зарурдир. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёғи бир оз ювилмай қолган бир кишига: «Тўпиқларни Жаханнам ўтидан асранг!», дедилар.<sup>17</sup>

Мана шу кўринишда таҳорат қилиб бўлгач, жумладан, қуидаги дуони ўқийди:

أَشْهُدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ ، لَا شَرِيكَ لَهُ ، وَأَشْهُدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ  
وَرَسُولُهُ ، اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَابِينَ ، وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمَتَطَهِّرِينَ

*Мазмуни:* «Ягона ва шериксиз Аллоҳдан бошқа барҳақ маъбуд йўқ, деб гувоҳлик бераман, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман.<sup>18</sup> Эй Парвардигор! Мени тавба қилувчи ва покланувчи бандаларингдан қилгин».<sup>19</sup>

### Эслатма:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳорат, намоз ва намоздан кейин ўқиган зикр, дуо ва сураларини ушбу китобча билан бирга берилган **Audio CD** орқали ёдлаб олишга ҳаракат қилинг.

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهُدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ

*Мазмуни:* «Парвардигор! Сен барча айбу нуқсондан покдирсан. Сенинг ҳамдинг билан тасбехлар айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан Ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Сендан истиғфор сўрайман ва Сенга тавбалар қиласман».<sup>20</sup>

17 Имом Муслим ривояти.

18 Имом Муслімнинг Уқба Ибн Амир разияллоҳу анхудан ривояти

19 Имом Термизийнинг Умар Ибн Хаттоб разияллоҳу анхудан ривоятлари.

20 Имом Нсоийнинг Абу Саид Ал-Худрий разияллоҳу анхудан ривояти

## ҒУСЛ

Ғұслни вожиб қиладиган нарсалар олтита бўлиб, улардан бири содир бўлганда мусулмон киши ғұсл қилиши (ювиниши) фарз бўлади:

- 1) Эркак ё аёл жинсий аъзосидан маний (уруг суюқлиги) келиши.
- 2) Закар (эрлик олати) фарж (аёл қини)га кириши, гарчи инзол (уруг сувини тўкиш) ҳосил бўлмаса ҳам.
- 3) Кўпчилик уламолар фикрича, кофир Исломни қабул қилса, унга ғұсл қилиш вожиб эмас балки мустаҳаб саналади.
- 4) Ўлим ҳам ғұслни вожиб қилади. Маййтни ғұсл қилдириш вожиб. Фақат жангда шаҳид бўлган кишини ювилмайди.
- 5) 6) Ҳайз ва нифос ҳам ғұслни вожиб қилувчи ҳолатлардандир.

## ҒУСЛНИНГ СИФАТИ

- 1) Дили билан (покланишни) ният қилади;
- 2) Сўнг «Бисмиллаҳ» деб, икки қўлини уч марта ювади кейин жинсий аъзосини ювади;
- 3) Сўнг комил таҳорат қилади;
- 4) Сўнг бошига уч марта сув қўйиб, соchlари остига етказади;
- 5) Сўнг бутун баданига сув етказиб, қўли билан ишқалаб ювади.

Ҳайз ёки нифоси тугаган аёл ғұсл қилиш учун ўрилган соchlарини ёяди, жунубликдан ғұсл қилувчи аёл қийинчилик бўлмаслиги учун сочини ёймайди (ва ювмайди), бироқ соchlари остига сув етказиши вожибdir. Соат ёки узук таққан бўлса, уларни қимиirlатиб, остига сув етказади.

Ғұслда сувни ортиқча исроф қилиб ишлатиш яхши эмас, имкон қадар озроқ сув билан мукаммал покланиб ювиниш машруъдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир муд сув билан таҳорат қиласардилар, бир соъ сув билан ғұсл қиласардилар. Сувни камроқ ишлатиш ва исрофга йўл қўймасликда у зотдан ўrnak олиш лозим.

Шунингдек, ғұсл қилувчи киши ўзгалар кўзидан яшириниши, одамлар олдида яланғоч ювинмаслиги керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

**«Албатта, Аллоҳ таоло ҳаёлидир, ҳаё ва тўсилишни яхши кўради.  
Сизлардан бирон киши ғұсл қилса, тўсиниб олсин!».<sup>21</sup>**

---

<sup>21</sup> Абу Довуд ва Насойи ривояти

## ТАЯММУМ

Аллоҳ таоло айтади:

وَإِن كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطَّهَرُوا وَإِن كُنْتُمْ مَرْضَى أَوْ عَلَى سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِنْكُمْ  
مِنَ الْعَائِطِ أَوْ لَامَسْتُمُ النِّسَاءَ فَلَمْ يَجِدُوا مَاءَ فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيَّبًا فَامْسَحُوا  
بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ مِنْهُ مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِنْ حَرَجٍ وَلَكِنْ يُرِيدُ  
لِيُطَهِّرُكُمْ وَلِيُتَمَّ نِعْمَةُ عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٦﴾

«Агар бемор ё мусофир бўлсангиз ёки сизлардан бирор ҳожатдан чиққан бўлса ёхуд хотинларингизга қўшилган бўлсаларингиз ва (мазкур ҳолатларда) сув топа олмасангиз, покиза тупроқ билан таяммум қилингиз. Аллоҳ сизларга машаққат қилмоқни истамайди, балки сизларни поклашни ва шукр қилишларингиз учун сизларга Ўз неъматини комил қилиб беришни истайди».<sup>22</sup>

Таяммум – сувдан ожиз бўлган ҳолатда шаръан сув билан қилинган таҳорат ўрнини босади ва уни қилган одам одатда сув билан таҳорат қилган киши қиладиган, намоз, тавоф, Қуръон тиловати каби ишларни қилаверади. Чунки, Аллоҳ таоло таяммумни худди таҳоратдек покловчи қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Унинг (яъни, ернинг) тупроғи биз учун пок қилинди», дедилар.<sup>23</sup>

Шунингдек, сув тополмай таяммум қилган бўлса, сув топилиши билан таяммуми бекор бўлади, касаллик ёки бошқа шаръий узр билан таяммум қилган бўлса, ўша узр кетиши билан таяммуми бекор бўлади.

Таяммумга тегишли ҳукмлардан қай бирини яхши тушунмасангиз ёки билмасангиз, аҳли илмлардан сўраб ўрганиб олишдан асло тортинманг, динингиз ишига, айниқса, Исломнинг устуни бўлган намозга енгил қараманг. Чунки, бу жуда муҳим ишdir.

<sup>22</sup> Мойда сураси: 6

<sup>23</sup> Имом Муслим ривояти

## ТАЯММУМНИНГ СИФАТИ

Дили билан (покланишни) ният қилади, Сўнг «Бисмиллаҳ» деб, қўлларининг бармоқларини очган ҳолда тупроққа уради, бармоқларининг ички тарафини юзига суртади ва кафтлари билан қўлларини силайди, шу бир уриш юз ва қўлларини масҳ қилишга кифоя қилади.

Агар қўлларини икки марта ерга урса ва бири билан юзини, иккинчиси билан қўлларини силаса, бу ҳам жоиз. Бироқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлгани аввалги сифатдагисидир.

## ТАҲОРАТНИ СИНДИРУВЧИ НАРСАЛАР

- Сийдик ва ҳожат (ахлат) йўлидан чиққан нарса. Бу нарса бавл, маний, мазий, ахлат ёки ел бўлиши мумкин.
- Истиҳоза қонининг чиқиши ҳам таҳоратни синдиради. Бу қон фасод қони бўлиб, ҳайз қонидан бошқадир.
- Баданинг ушбу икки йўлдан бошқа жойидан чиққан – қон, қусуқ, бурун қонаши каби – нарсалар таҳоратни синдириш-синдирмаслиги борасида ахли илмлар ўртасида хилоф бор. Кучлироқ гап синдирмаслигидир. Бироқ, хилофдан чиқиш учун таҳорат қилса, яхшироқ бўлади.
- Ақлнинг кетиши, уйқу ё беҳушлик лекин мудраш таҳоратни синдирмайди, чунки сахобалар розияллоҳу анхум намозни кутиб ўтириб, мудраб қолишарди. Чукур уйқуга кетиш таҳоратни синдиради.
- Туя гўшти ейиш хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсин, таҳоратни синдирувчи ишлардандир. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан иккита сахих ҳадис бор».

Аммо, туядан бошқа ҳайвоннинг гўштини тановул қилиш таҳоратни синдирмайди.

Энди ушбу мавзуга тааллуқли яна бир муҳим масала қолди. Яъни, таҳорати бор одам мазкур таҳоратни синдирувчи ишлардан биронтаси ундан содир бўлгани ҳақида шак қилиб қолса, нима қилади?

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

**«Агар бирортангиз ичидә бир нарсани сезса ва бирон нарса чиққан-чиқмаганини билмай қолса, то (ел) товушини эшитмагунича ёки ҳидини сезмагунича масжиддан чиқиб кетмасин».**

Ушбу ҳадис шариф ва шу маънодаги бошқа ҳадислар далолат қиласиди, мусулмон киши агар таҳорати борлигига ишониб туриб, унинг синган-синмагани хақида шак қилиб қолса, таҳоратли ҳолда саналаверади. Чунки, шу нарса аслдир ва ишончлидир, таҳоратнинг сингани эса шубҳалидир. Яқийн (ишончли билим) шак билан йўқолмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам :

**«Таом ҳозир бўлган вақтда ва икки хабис нарса (яъни, катта ва кичик ҳожат) қисталиб турганда намоз ўқилмайди»** дедилар.<sup>24</sup>

Мусулмон биродар! Намоз учун таҳоратга қаттиқ эътибор беринг. Чунки, таҳоратсиз ўқилган намоз намоз бўлмайди.

## ҲАЙЗ

Ҳайз – маълум вақтларда, балоғат ёшига етган қиз ва аёлларнинг бачадонидан келиб турадиган табиий қондир. Ҳайзли аёл ҳайзи мобайнида намоз ўқимайди ва рўза тутмайди. Мабодо ҳайзли аёл ҳайзи орасида намоз ўқиса ва рўза тутса, намози ҳам, рўзаси ҳам яроқли бўлмайди. Ҳайзли аёл ҳайзидан пок бўлганидан сўнг рўзанинг қазосини тутади, намозни қазо қилиб ўқимайди.

Ҳайзли аёл Байтуллоҳни тавоф қилиши, Куръон ўқиши, масжидда ўтириши мумкин эмас. То ҳайзидан покланиб, ғусл қилмагунича эри у билан жинсий алоқа қилиши ҳаром бўлади.

## НИФОС

Нифос – аёллар кўз ёриш пайти ва ундан кейин бачадондан келадиган қон бўлиб, у ҳомиладорлик пайтида тутилиб қолган қоннинг қолдиқлариридир. Унинг энг кўп муддати жумҳур уламолар наздига кирқ кундир. Нифосли аёлнинг хукми ҳам ҳайзли аёл хукми билан бир хилдир.

**Муҳим эслатма:** Шу ўринда айтиб ўтиш лозим бўлган бир ҳолат борки, баъзи аёллар рамазон рўзасини тўла тутиш ёки ҳаж ибодатини бекаму-кўст адo этиш имконига эга бўлиш учун ҳайз келишини тўхтатиб турувчи дори қабул қилишади. Агар ушбу дорилар ҳайзни вақтинча тўхтатиб туриш хусусиятига эга

<sup>24</sup> Бухорий, Муслим ривоятлари

бўлса, уларни истеъмол қилишнинг зарари йўқ. Аммо, улар ҳайзни бутунлай йўқолиб кетишига олиб келса, уларни эрнинг изнисиз қабул қилиш жоиз бўлмайди. Чунки, бу наслнинг кесилишига олиб келади.

## АЁЛЛАРНИНГ НАМОЗИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларининг сифати ҳақида келадиган барча сўзлар эркак ва аёлларга баробар тегишли бўлиб, булардан баъзиларида аёлларни истисно этиш борасида бирор ҳадис келган эмас. Балки, у зотнинг: «Менинг намоз ўқиганимни қўрганингиздек намоз ўқинглар» ҳадислари аёлларни ҳам ўз ичига олади.

Имом Бухорий «Ат-тариҳус-сағир»да Умму Дардо розияллоҳу анҳо (бу Абу Дардонинг иккинчи аёли Умму Дардо суғро тобииййа, олим, фақиҳа аёл) ҳақида ривоят қилиб: «У намозида эркакларнинг ўтиришиидек ўтирап эди, фақиҳа (фиқҳни биладиган) эди» дейдилар.

## СУТРА (ТЎСИҚ) ВА УНИНГ ВОЖИБЛИГИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сутрага яқин турага эдилар, девор билан ораларида уч газ<sup>25</sup> масофа бўлар эди.<sup>26</sup> Саждагоҳлари билан девор ўртасида бир кўй ўта оладиган жой бўлар эди.<sup>27</sup> Ва айтган эдилар:

«لَا تُصَلِّ إِلَّا سُتْرَةٌ وَلَا تَدْعُ أَحَدًا يَمْرُّ بَيْنَ يَدَيْكَ فَإِنْ أَبِي فَلْتُقَاتِلُهُ فَإِنْ مَعَهُ الْقَرِينُ»

«Сутрасиз намоз ўқима, ҳеч кимни олдингдан ўтишига йўл қўйма, агар кўнмаса у билан жанг қил, чунки у билан бирга қарийн (шайтон) бордир».<sup>28</sup>

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гоҳо намозни масжидларидаги устун олдида ўқишига қасд қиласардилар. Агар [сутра қилинадиган ҳеч нарса йўқ бўлган] очиқ майдонда намоз ўқисалар, олдиларига найзаларини санчиб,

<sup>25</sup> (3 газ. 1.5 м ё ундан сал камроқ масофадир)

<sup>26</sup> Бухорий ва Ахмад ривоятлари.

<sup>27</sup> Бухорий ва Муслим ривоятлари.

<sup>28</sup> Ибн Хузайма ривояти

орқаларида одамлар бўлган ҳолда ўша найзага қараб намоз ўқир эдилар.<sup>29</sup> Бир марта дарахтга қараб намоз ўқиганлар.<sup>30</sup> Ва айтган эдилар:

«Намоз ўқувчининг олдидан ўтаётган одам унга қанча гуноҳ бўлишини билганида эди, 40... (муддат) кутиб туриши ўзи учун унинг олдидан ўтганидан кўра яхшироқ бўлар эди.»<sup>31</sup>

(Ровийлардан Абу Назр айтади: 40 кун эдими, ойми, йилми, билмай қолдим.)

## АЗОН ВА ИҚОМАТ

Аzon ва иқомат эркаклар учун фарзи кифоядир.<sup>32</sup> Muazzinни эшитиб турган одам, у айтган калималарни такрорлаши, «хайя ала-солат» ва «хайя алал-фалаҳ» жумлаларини эшитганда «ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» дейиши суннатдир.

Иқомат- ўн битта<sup>33</sup> (бошқа бир ривоятда ўн еттита<sup>34</sup>) жумладан иборат бўлиб, уни тезроқ айтилади. Чунки, у намозга ҳозир бўлганлар учун намознинг бошланишини эълон қилишдир. Иқоматни аzon айтган киши айтиши мустаҳабдир. Аммо шарт эмас.

## АЗОН ДУОСИ

«اللَّهُمَّ رَبَّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ وَالصَّلَاةِ الْقَائِمَةِ آتِ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ وَابْعِثْنُهُ مَقَامًا مُحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتَهُ ، إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ الْمِيعَادِ»

Мазмуни: «Ушбу комил даъватнинг ва ҳозир бўлган намознинг Парваридгори бўлган эй Аллоҳ! Мухаммадга васила ва фазилат ато этгин. Уни Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомда тургизгин, Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмассан», деб дуо қилади.<sup>35</sup>

<sup>29</sup> Бухорий, Муслим, Ибн Можа ривоятлари.

<sup>30</sup> Насой, Аҳмад ривоятлари.

<sup>31</sup> Бухорий ва Муслим ривояти.

<sup>32</sup> Фарзи кифоя – барча мўминлар зиммасига лозим бўлган ва улардан баъзилари адo қилишса, бошқаларининг зиммасидан гуноҳ соқит бўладиган фарздир.

<sup>33</sup> Аҳмад ривояти (15881), Абу Довуд, Абдуллоҳ Ибн Зайддан ривоят қилган ҳадис.

<sup>34</sup> Абу Довуд (502), Ат-Термизий (192), Ан-Насаи (602) ва Ибн Можжа (709) Абу Махзурадан ривоят қилган. Ҳар иккала ҳадисни Шайх Албоний саҳиҳ деган.

Шайхул Ислом Ибн Таймийя ҳам икки ривоятни, баъзи бунисини, баъзиди унисини айтишга фатво берганлар. (Ал-Фатава Ал-Кубро, 2/43-44)

<sup>35</sup> Бухорий (614), Абу Довуд (529), Термизий (211), Насой (680), Ибн Можа (722) Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилганлар.

## НАМОЗНИНГ ШАРТЛАРИ

Намознинг ўзига хос шартлари бўлиб, ўша шартлар ёки уларнинг баъзилари топилмаганда намоз яроқли бўлмайди.

### 1. ВАҚТИ КИРИШИ

Аллоҳ таоло бир кеча-кундуда беш вақт намозни фарз қилган.



### 2. САТРИ АВРАТ

Эркак кишининг аврати киндиқдан тиззагачадир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Биронтангиз елкаларни ёпмаган ҳолда битта либосда намоз ўқимасин**”<sup>36</sup> деганлар. Ушбу ҳадисга биноан елкаларни очиқ ҳолда намоз ўқиши макруҳ амаллардан ва уни ёпиш афзал.

Китобу Суннатда келган қўплаб далиллар аёл кишининг бутун бадани бегона эркаклар учун аврат эканига, хоҳ намозда, хоҳ бошқа ўринда бўлсин, бегоналар ҳузурида баданининг бирон аъзосини очиши жоиз эмаслигига далил бўлади. Аммо, бегона эркаклардан холи ўринда намоз ўқиса, намозда юзини очиб олади, юз намозда аврат эмас. Лекин, номаҳрам эркаклар олдида юз ҳам аврат саналади ва уларнинг қўзи тушиши жоиз бўлмайди.

<sup>36</sup> Бухорий, Муслим ривоятлари

### 3. ПОКЛИК

Мусулмон киши намоз ўқиши учун таҳоратсизликдан покланиши матлуб бўлгани каби, бадани, либоси ва намоз ўқийдиган жойи ҳам нажосатдан пок бўлиши талаб қилинади.

Аллоҳ таоло айтади: «Либосларингизни пок тутинг!».<sup>37</sup>

### 4. КАЪБАГА ЮЗЛАНИШ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиш учун турсалар Каъбага юзланар ва бошқаларни ҳам шунга буюар эдилар. Намозини нуқсонли қилган кишига хитобан:

**«Агар намозга турсанг, таҳоратни мукаммал қил, сўнг қиблага юзланиб, такбир айт» деганлар.**<sup>38</sup>

### 5. НИЯТ

Ният – лугатда қасд қилиш маъносида, шариатда эса Аллоҳга қурбат-яқинлик ҳосил қилиш учун ибодатга азм қилиш маъносида тушунилади. Унинг ўрни қалб бўлиб, тил билан талафуз қилишга ҳожат йўқ.

Ибн Ал-Қаййим айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турсалар “Аллоҳу Акбар” деб такбир айтардилар ва бошқа ҳеч нарса айтмасдилар, овоз чиқариб ният ҳам қилмасдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Холис Аллоҳ учун, қиблага юзланиб, тўрт ракат намозни имом бўлиб ёки имомга иқтидо қилиб ўқишини ният қилдим” каби гапларни айтмаганлар. Бундай қилганликлари ҳақида бирорта саҳиҳ, заиф, муснад ёки мурсал ҳадис ҳам ривоят қилинмаган”.<sup>39</sup>

Масалан, инсон таъомни истеъмол қилишдан олдин, «Аллоҳ розилиги учун, ушбу таъомни ейишни ният қилдим» деб бирон сўз айтмайди. Инсон таъомни қалбидан ўтказгани заҳоти ният содир бўлади.

Мусулмон киши суннатга амал қилиб ва бидъатни – қайси турда ва ким томонидан чиқарилган бўлишидан қатъий назар – тарқ қилиб, шариат ҳад-худудларида туриши муносибdir.

<sup>37</sup> Муддассир: 4

<sup>38</sup> Бухорий ва Муслим ривояти. (Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида намоз ўқиганида ул зот унинг намози нуқсонли бўлганини айтиб, 2 марта қайта ўқишига буюрган кейин эса намозни қандай ўқиши кераклигини батағсил тушунириб берганлар. Ушбу воқеа баён қилинган ҳадис шариат китобларида «Намозини нуқсонли қилган киши ҳақидаги ҳадис» номи билан машҳурdir). (Тарж.)

<sup>39</sup> Ал-Ҳуда Ан-Набавий



Энди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқиганларини биргаликда амалий равишда ўрганамиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини елкалари баробарида кўтарар (ва



«الله أكْبَر»

«Аллоҳу акбар»

«Аллоҳ буюкроқдир»

дер) эдилар<sup>40</sup>, баъзи пайтларда эса қулоқлари<sup>\*</sup> баробарида кўтарар эдилар.<sup>41</sup>

Баъзида такбир билан бирга қўлларини кўтарар, баъзида такбирдан кейин, баъзида олдин кўтарар эдилар.<sup>42</sup>

Қўлларини бармоқларини ёзган ҳолда кўтарар эдилар, (уларнинг орасини очиб ҳам юбормасдилар, йиғиб ҳам олмасдилар).<sup>43</sup>

Сўнг:

Ўнг қўлларини чап қўллари устига қўяр эдилар.<sup>44</sup> Асҳобларини ҳам шунга буюрганлар.<sup>45</sup> Ва уларни кўкраклари устига қўярдилар.<sup>46</sup> Намозда ихтисордан (қўлларни биқинга қўйиб туришдан) қайтарар эдилар.<sup>47</sup> Гоҳо ўнг қўллари билан чап қўлларини ушлаб олардилар.<sup>48</sup>



<sup>40</sup> Бухорий, Насой ривоятлари

<sup>41</sup> Бухорий, Абу Довуд ривоятлари

<sup>42</sup> Бухорий, Абу Довуд ривоятлари

<sup>43</sup> Абу Довуд, Ибн Хузайма, Таммом, Ҳоким ривоятлари

<sup>44</sup> Муслим, Абу Довуд ривоятлари

<sup>45</sup> Молик, Бухорий, Абу Авона ривоятлари

<sup>46</sup> Абу Довуд, Ибн Хузайма, Аҳмад ривоятлари

<sup>47</sup> Бухорий, Муслим ривоятлари

<sup>48</sup> Насой, Доракутний сахиҳ санад билан ривоят қилган

\* Намоз ўқишига киришилаётган пайтда қўлни қулоқ ёки елка баробар кўтариш ҳақида сахиҳ ҳадислар келган. У ҳадисларни Муслим, Абу Довуд, Насой, Ибни Можа ва Байҳақийлар ривоят қилишган. Аммо ҳадисларда бармоқни қулоқ юмшогигача текказиш ҳақида айтилмаган.

Сўнг истифтоҳ (кириш) дуосини ўқир эдилар:

«سُبْحَانَكَ اللّٰهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالٰى جَدُّكَ، وَلَا إِلٰهَ غَيْرُكَ».

*Мазмуни:* «Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нуқсонлардан) поксан. Сенинг ҳамдинг-тавфиқинг билан (тасбех айтаман). Сенинг исминг баракотли, улуғлигинг олий бўлди ва Сендан ўзга илоҳ йўқдир».<sup>49</sup>

Сўнгра Аллоҳ таолодан паноҳ сўраб, шундай дердилар:

«أَعُوذُ بِاللّٰهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ»



«Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган шайтон ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман».

*Баъзан:*

«أَعُوذُ بِاللّٰهِ السَّمِيعِ الْعَلِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ مِنْ هَمْزٍ وَنَفْخٍ وَنَفْثٍ»

*Мазмуни:* «Эшитувчи, Билувчи Аллоҳнинг (номи) ила Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган шайтоннинг пуфлашидан, сехридан, васвасасидан паноҳ тилайман» дердилар.<sup>50</sup>

Сўнг:

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ

*Мазмуни:* «Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман) » дер ва буни жахрий (овоз чиқариб) айтмас эдилар.<sup>51</sup>

«Сўнг «Фотиҳа» сурасини бир оят – бир оятдан дона – дона қилиб ўқир эдилар...»<sup>52</sup>


<sup>49</sup> Абу Довуд, Насойи, Термизий ва Ибн Можа ривояти

<sup>50</sup> Абу Довуд, Термизий

<sup>51</sup> Бухорий, Муслим, Абу Авона, Таҳовий, Аҳмад

<sup>52</sup> Абу Довуд, Саҳмий, Ҳоким.

## ФОТИХА СУРАСИ



*Мазмуни:* «Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман. Ҳамд оламлар робби Аллоҳгаким, (У) меҳрибон, раҳмли, Ҳисоб-китоб куни (Қиёмат)нинг эгасидир. Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз! Бизни шундай тӯғри йўлга бошлагинки, (У) Сен инъом (ҳидоят) этганларнинг (пайғамбарлар, сиддиқ ва шаҳидларнинг) йўлидир, ғазабга учраган (Мусо қавмидан итоатсизларининг) ва адашган (Исо қавмининг «Аллоҳнинг фарзанди бор» дейдиган)ларнинг эмас!»

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Фотиҳа»ни ўқиб бўлгач, жаҳрий равишда ва овозларини чўзиб: «*Омиин*» дер эдилар.<sup>53</sup> Иқтидо қилувчиларни ҳам «*Омиин*» дейишга буюриб, айтар эдилар:

**«Агар имом «Ғойрил магзуби алаийхим валаз-золлийн» деса  
«Омиин» денглар... ».**<sup>54</sup>

Ушбу сурани улуғлаб, айтган эдилар:

«لا صَلَاةً لِمَنْ لَا يَقْرَأُ فِيهَا بِفَاتِحةِ الْكِتَابِ»

**«Фотиҳатул-қитоб» (Фотиҳа сураси)ни ўқимаган одамнинг намози намоз эмас».**<sup>55</sup>

<sup>53</sup> Бухорий «Жузъул-қироа»да, Абу Довуд ривоятлари

<sup>54</sup> Бухорий, Муслим, Насойи ривоятлари

<sup>55</sup> Бухорий, Муслим, Абу Авона, Байҳакий ривоятлари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Фотиҳа»дан кейин бошқа бир сурә ўқир эдилар.

## КАВСАР СУРАСИ



Мазмуни: «(Эй Мухаммад,) дарҳақиқат, Биз Сизга Кавсарни бердик. Бас, Роббингиз учун намоз ўқинг ва қурбонлик қилинг! Албатта, сизни ёмон кўриб, айбловчи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир».

(Кавсар - жаннатдаги бир ажисб дарё ёки ҳовузнинг номи).

## ИХЛОС СУРАСИ



Мазмуни: «(Эй Мухаммад,) айтинг: У - Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ сомаддир. (Хожатларни ва рағбатларни қондирувчидир). У тұғмаган ва тұғилмаган. Ва Үнга ҳеч ким тенг бўлмаган. (Аллоҳ таолога бирор зот на зотида, на сифатида ва на амалида тенг бўлган эмас, бўлолмайди ҳам)».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қироат қилиб бўлгач бир оз сукут қилар<sup>56</sup>, сўнг «Такбири таҳрима» да қилганларидек қўлларини кўтариб<sup>\*</sup>, такбир:

### «Аллоҳу акбар»

айтиб, рукуъга борар эдилар.<sup>57</sup>



Рукуъда :



«سُبْحَانَ رَبِّ الْعَظِيمِ»

### «Субҳана роббиял азиим»

«Улуғ Роббимни (айбу нуқсонлардан) поклайман!»

деб уч марта айтар, баъзида бундан кўпроқ ҳам тақрорлар эдилар.<sup>58</sup>

Ёки:

«سُبْحَوْحْ قُدُّوسُ رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ»

### «Суббуҳун қуддусун роббул мала'икати варрух»

«(Аллоҳ) ҳар қандай айбу нуқсондан Пок ва муқаддас Зотдир. Малоикалар ҳамда Рух-Жаброилнинг Парвардигоридир».<sup>59</sup>

<sup>56</sup> Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари

<sup>57</sup> Бухорий, Муслим ривоятлари.

\* Ушбу кўл кўтаришлари у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан мутавотирдир. Рукуъдан турган пайтдагиси ҳам шундай. Бу уч имомнинг ва бошка кўплаб факиҳ ва муҳаддис уламоларнинг мазхабларидир. Айрим ҳанафий уламолар, жумладан, Исом ибн Юсуф, Абу Ислам ал-Балхий (Имом Абу Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг шогирдлари) ҳам шуни ихтиёр этганлар. (Бухорий, Муслим ривоятлари).

<sup>58</sup> Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Можа, Дорақутний, Таҳовий, Баззор

<sup>59</sup> Аҳмад, Абу Довуд, Дорақутний, Табароний, Байҳақий



### Эслатма:

**Рукуъда қўйидаги суратларда кўрсатилганидек туриш мумкин эмас!**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъда кафтларини тиззалирига қўяр ва бошқаларни ҳам шунга буюар эдилар. Кўлларини тиззалирига [худди чангллагандек] жойлаштирадар эдилар.<sup>60</sup>



Бармоқлари орасини очар эдилар.<sup>61</sup> Тирсакларини икки ёнларидан узоклаштириб турар эдилар.<sup>62</sup> Рукуъ қилсалар, орқаларини бир текис ва баробар қиласар эдилар. Ҳатто, орқаларига сув қуйилса эди, оқиб кетмасдан турган бўларди.<sup>63</sup> Бошларини қуи солмас ва кўтариб ҳам юбормас, балки ўртача ҳолда тутар эдилар.<sup>64</sup> Ва :



**«Эй мусулмонлар жамоати, рукуъ ва саждада белини тўғриламайдиган одамнинг намози намоз эмас»** дедилар.<sup>65</sup>

Сўнг:

«سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمَدَهُ»

**«Самиъаллоҳу лиман ҳамидах»**

(Аллоҳ Ўзига ҳамд айтувчини ижобат қилди) деб, рукуъдан кўтариладар эдилар.<sup>66</sup> Сўнг қад ростлаган ҳолларида:

«رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ»

**«Роббана [ва] лакал ҳамд»**

(Эй Парвардигоримиз, Сенга ҳамду-сано бўлсин)  
дер эдилар.<sup>67</sup>



<sup>60</sup> Бухорий, Абу Довуд, Муслим ривоятлари

<sup>61</sup> Ҳоким ривояти, сахих

<sup>62</sup> Термизий, Ибн Хузайма ривоятлари

<sup>63</sup> Табароний, Ибн Можа ривоятлари

<sup>64</sup> Абу Довуд, Бухорий, Муслим, Абу Авона ривоятлари

<sup>65</sup> Ибн Абу Шайба, Аҳмад, Ибн Можа ривоятлари

<sup>66</sup> Бухорий, Муслим ривоятлари

<sup>67</sup> Бухорий, Аҳмад ривоятлари

Ёки намоз ўқиётган киши:

«رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَّكًا فِيهِ»

### «Роббана [ва] лакал ҳамд, ҳамдан касирон тоййибан мубарокан фий-х»

«Эй Парвардигоримиз! Сенга кўп, пок-риёсиз, муборак-хайрлилиги мўл ҳамд (лар) бўлсин» дейди.<sup>68</sup>

Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам такбир; «Аллоҳу акбар» айтиб, саждага борар эдилар.<sup>69</sup> Намоз ўқиётган киши саждага бораётганда аввал кўлларини эмас балки тиззалини кўяди. \*



Кафтларига суянар (ва уларни очар),<sup>70</sup> бармоқларини йигар<sup>71</sup> ва уларни қибла тарафга қаратар эдилар.<sup>72</sup> Кафтларини елкалари баробарига<sup>73</sup>, баъзан қулоқлари баробарига қўяр эдилар.<sup>74</sup> Тиззалини ва оёқ учларини ерга теккизар эдилар<sup>75</sup>, оёқ учларини қиблага қаратар эдилар<sup>76</sup>, товоналарини бир текис қиласар<sup>77</sup> ва оёқларини тик тутар эдилар.<sup>78</sup>

Ушбу етти аъзо устига – икки кафт, икки тизза, икки оёқ учлари, пешона билан бурунга саждага қиласар ва айтган эдилар:

«Билакларингни [йиртқич ҳайвонлар каби] тўшама, кафтларингга суян ва билакларингдан узоқлаш. Агар шундай қиласанг, ҳар бир аъзоинг сен билан бирга саждага қиласади.»<sup>79</sup>



<sup>68</sup> Бухорий ривояти

<sup>69</sup> Бухорий, Муслим ривоятлари

<sup>70</sup> Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари

<sup>71</sup> Ибн Хузайма, Байҳақий, Ҳоким ривоятлари

<sup>72</sup> Байҳақий ривояти

<sup>73</sup> Абу Довуд, Термизий ривоятлари

<sup>74</sup> Абу Довуд, Насоий ривоятлари

<sup>75</sup> Байҳақий ривояти

<sup>76</sup> Бухорий, Абу Довуд ривоятлари

<sup>77</sup> Таҳовий, Ибн Хузайма ривоятлари

<sup>78</sup> Байҳақий ривояти

<sup>79</sup> Ибн Хузайма, Мақдисий, Ҳоким ривоятлари

\* Ислом Нури таҳририяти ўларок айтамиз, биз шу ўринда тизза билан тушишини айтган уламолар сўзини олганмиз. Бунинг тафсилотини билиш учун шайх Усайминнинг “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиган намознинг сифати” ҳақидаги китобига мурожаат қилинг.  
(Китоблар /27-китоб)

Саждада:

«سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى»

«Субхана роббиял аъла»



«Энг олий Зот бўлмиш Парвардигорим (барча айбу нуқсондан) покдир» деб уч марта айтар, баъзида бундан кўпроқ ҳам (тоқ ҳолда) такрорлар эдилар.<sup>80</sup> Ёки:

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ»

«Субҳанака Аллохумма ва бйҳамдика ла' илаха илла ант»

«Эй Аллоҳ! Сенга ҳамд айтиш билан Сени (ҳар қандай айбу-нуқсондан) поклайман, Сендан бошқа илоҳ йўқдир!»<sup>81</sup>

Рукуъ ва саждада Қуръон ўқишидан қайтарар эдилар.<sup>82</sup>

*Ва айтган эдилар :*

«Банданинг Роббига энг яқин бўлган ҳолати саждада бўлган ҳолатидир. Бас, саждада дуони кўпайтиринглар!»<sup>83</sup>



Сўнг такбир:

«Аллоҳу акбар»

айтиб, бошларини саждадан кўтаарар эдилар.<sup>84</sup>

Сўнг чап оёқларини тўшаб, устига ўтирас эдилар.<sup>85</sup>

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки сажда ўртасида хотиржам ўтирас, ҳатто ҳар бир суюк ўз ўрнига қайтар эди.<sup>86</sup>

Икки сажда ўртасида:

«رَبِّ اغْفِرْ لِي، رَبِّ اغْفِرْ لِي»

«Роббифирлий, Роббифирлий»

<sup>80</sup> Ахмад, Абу Довуд, Ибн Можа, Дорақутний, Таҳовий, Баззор, Табароний ривоятлари

<sup>81</sup> Муслим, Абу Авона, Насойи, Ибн Назр ривояти

<sup>82</sup> Муслим ва Абу Авона ривоятлари

<sup>83</sup> Муслим, Абу Авона, Байҳақий ривоятлари

<sup>84</sup> Бухорий, Муслим ривоятлари

<sup>85</sup> Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Абу Авона ривоятлари

<sup>86</sup> Абу Довуд, Байҳақий ривоятлари

«Парвардигоро, мени мағфират қилгин. Парвардигоро, мени мағфират қилгин» дер,

Ёки:

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاهْدِنِي، وَاجْبُرْنِي، وَعَافِنِي وَازْفُنِي، وَارْفَعْنِي»

«Аллохумма-ғифирлий, варҳамний, ваҳдиний, важбурний, ва'афи-  
ний, варзуқний, варфа'ъний»

«Парвардигоро, мени мағфират қилгин. Менга раҳм этгин. Мени ҳидоят қилгин, ўнглагин ва оғият (соғлик) ато этгин. Менга ризқ бергин ва мени юксалтиргин». <sup>87</sup> Буларни тунги намозларида айтар эдилар.

Сўнг такбир: «Аллоҳу акбар» айтар ва иккинчи саждага борар эдилар. Ушбу саждаларини ҳам худди биринчи саждаларидек қиласар.



«Субҳана роббиял аъла» (деб уч марта айтар), сўнг такбир:

«Аллоҳу акбар»

айтиб бошларини кўтарар эдилар.<sup>88</sup>

Сўнг чап оёқлари устига ўтирас, ҳатто ҳар бир суяк-аъзо ўз ўрнига қайтар эди.<sup>89</sup> Сўнг икки қўлларига суяниб, иккинчи ракъатга туриб кетар эдилар.<sup>90</sup>

Намозлари ичидаги туриб кетаётганда хамир қоргандек икки қўлларига суянар эдилар.<sup>91</sup>



Ушбу хусусдаги: «Камон ўқидек туриб кетар, қўлларига суяномас эдилар» ҳадиси мавзуз (тўқима)-дир ва шу маънодаги бошқа сўзлар ҳам саҳих бўлмаган заиф сўзлар.<sup>92</sup>

<sup>87</sup> Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривояти

<sup>88</sup> Бухорий, Муслим ривоятлари

<sup>89</sup> Бухорий, Абу Довуд ривоятлари

<sup>90</sup> Бухорий, Шофеъий ривоятлари

<sup>91</sup> Абу Исҳоқ, Байҳакий ривоятлари

<sup>92</sup> Албоний

Иккинчи ракъатга турсалар, «Алҳамду лиллаҳ...» билан бошлар ва сукут қилиб турмасдилар.<sup>93</sup> Иккинчи ракъатда ҳам худди биринчи ракъатда қилганилариdek қилар, бироқ буни аввалгидан кўра қисқароқ қилар ва истифтоҳ (кириш дуоси) ни ўқимас эдилар.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккинчи ракъатдан сўнг ташаҳҳудга ўтирас эдилар. Бомдодга ўхшаган икки ракъатли намозда худди икки сажда ўртасида ўтирганлариdek «чап оёқларини тўшаб, устига ўтирас эдилар».<sup>94</sup>

Ташаҳҳудда ўтирсалар ўнг қўлларини ўнг сонлари устига, чап қўлларини чап сонлари устига қўяр,<sup>95</sup> ўнг кафтларини йигиб, кўрсаткич бармоқ билан қиблага ишора қилар ва кўзларини ундан узмас эдилар.<sup>96</sup> Бармоқни кўтарганда дуо билан ҳаракатлантирас эдилар.<sup>97</sup>

**«У (яъни саббоба) шайтонга темирдан ҳам қаттиқдир»** деган эдилар.<sup>98</sup>

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар икки ташаҳҳудда шундай қилар эдилар.<sup>99</sup>



Сўнг "Аттаҳийят" дуосини ўқир эдилар:



«التحيَاتُ لِلَّهِ، وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيَّبَاتُ، السَّلَامُ  
عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، السَّلَامُ عَلَيْنَا  
وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهُدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ،  
وَأَشْهُدُ أَنَّ مُحَمَّداً عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ»

<sup>93</sup> Муслим, Абу Авона ривоятлари

<sup>94</sup> Насойи ривояти

<sup>95</sup> Муслим, Абу Авона ривоятлари

<sup>96</sup> Муслим, Абу Авона, Ибн Хузайма ривоятлари

<sup>97</sup> Абу Довуд, Насойи, Ибн Жоруд, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ривоятлари

<sup>98</sup> Аҳмад, Баззор, Абу Жаъфар, Бухтурий, Абдулғаний ал-Мақдисий, Рӯёнӣ, Байҳакий ривоятлари

<sup>99</sup> Насойи, Байҳакий ривоятлари

*Мазмуни:* «Салом-таъзимлар, дуолар ва (ҳамду санода ишлатиладиган) тойийиб-покиза сўзу-амаллар Аллоҳ учундир. Эй Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва яна гувоҳлик бераман Мұхаммад Унинг қули ҳамда расулидир».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи ташаҳҳудда ва бошқасида ўзларига саловот айтар эдилар. Буни умматга ҳам машруъ қилиб, уларни саловот айтишга буюрдилар ва уларга ўргатдилар:

«اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ  
وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ بَحِيدٌ، اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ،  
كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ بَحِيدٌ.»

*Мазмуни:* «Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оила аҳли-умматига раҳмат-мағфират ёғдирганинг каби Мұхаммадга ва унинг оила аҳли-умматига ҳам раҳмат-мағфират ёғдиргин. Албатта Сен мақтовли ва улуг Зотсан. Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оила аҳли-умматига баракот-хайр ато этганингдек Мұхаммадга ва унинг оила аҳли-умматига ҳам баракот-хайр ато этгин. Албатта Сен мақтовли ва улуг Зотсан».<sup>100</sup>

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам салом беришдан олдин:

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، وَمِنْ عَذَابِ جَهَنَّمَ، وَمِنْ فِتْنَةِ  
الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ، وَمِنْ شَرِّ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ»

*Мазмуни:* «Парвардигоро! Мен Сендан жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда масиҳи Дажжол фитнасининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман» десин, [сўнг истаган нарсасини сўраб дуо қилсин.]»<sup>101</sup> деб айтдилар.

<sup>100</sup> Бухорий ва Муслим ривояти

<sup>101</sup> Муслим, Абу Авона, Насойи ривоятлари



Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу  
алайҳи ва саллам ўнг томонлариға:

**«Ассаламу алейкум ва  
роҳматуллоҳ»**

деб салом берар, ҳатто ўнг  
юзларининг оқлиги (орқадагиларга)  
кўринар, чап томонлариға:

**«Ассаламу алейкум ва  
роҳматуллоҳ»**



деб салом берар, ҳатто чап юзларининг оқлиги (орқадагиларга) кўринар эди.<sup>102</sup>  
Баъзан ўнгга берилган биринчи саломга «**ва барокатуҳ**» деб қўшиб кўярдилар.<sup>103</sup>

Сўнг (шом ё хуфтон каби 3-4 ракатли намозларда) такбир айтиб, ўринлари-  
дан турардилар, учинчи ва тўртинчи ракъатларни ўқирдилар, уларни аввалги  
икки ракъатдан енгилроқ ўқирдилар ва уларда фақат “Фотиха” сурасини ўқир-  
дилар.

Охирги ташаҳҳудда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи  
ташаҳҳудда буюрган нарсага буюрар, ўzlари ҳам аввалгисида қилганлариdek  
қилар эдилар, фақат ушбу ташаҳҳудда «**таварруқ**»  
қилган ҳолатда ўтирас эдилар.<sup>104</sup> Чап ёnlари (сондан  
юқориси)ни ерга кўяр ва икки оёқларини бир  
тарафдан чиқарап эдилар.<sup>105</sup>

Баъзан чап оёқни сон ва болдиrlари остига  
кўяр<sup>106</sup>, ўнг оёқни тиклар<sup>107</sup>, гоҳида эса ётқизар эди-  
лар.<sup>108</sup> Чап қўллари билан тиззалини тутиб, унинг  
устига оғирликларини ташлар эдилар.<sup>109</sup>

Мана шу таваррукнинг уч сифатидир.



<sup>102</sup> Абу Довуд, Насоий, Термизий ривоятлари

<sup>103</sup> Абу Довуд, Ибн Хузайма ривоятлари

<sup>104</sup> Бухорий ривояти

<sup>105</sup> Абу Довуд, Байҳақий ривоятлари

<sup>106</sup> Муслим, Абу Авона ривоятлари

<sup>107</sup> Бухорий ривояти

<sup>108</sup> Муслим, Абу Авона ривоятлари

<sup>109</sup> Муслим, Абу Авона ривоятлари

## НАМОЗДАН КЕЙИНГИ ЗИКРЛАР

Расулуллоҳ соллаллоҳи алайҳи ва саллам намозларидан бурилсалар, уч марта истиғфор «**أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ**» «**«Астағфируллоҳ»** «Эй Аллоҳ Мағфират қил», деб айтардилар ва:

«اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ، وَمِنْكَ السَّلَامُ، تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ»

*Мазмуни:* «Эй Аллоҳ! Сен Саломдирсан (яъни, бандаларингни ҳалокат ўринларидан сақлагувчи-саломат этгувчи Зотдирсан). Саломатлик Сен тарафингдандир. Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен пок ва муқаддасдирсан» дердилар.<sup>110</sup> Ва:

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَةٌ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ  
شَيْءٍ قَدِيرٌ، اللَّهُمَّ لَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ، وَلَا مُعْطِيَ لِمَا مَنَعْتَ،  
وَلَا يَنْفَعُ ذَا جَهْدٍ مِنْكَ اجْدُ»

*Мазмуни:* «Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ! У ёлғиз ҳам шериксиз Зотдир! Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уницидир! У барча нарсага қодир. Эй Аллоҳ, Сен берган нарсани тўсувчи, Сен тўсган нарсани берувчи йўқ. Улуғлик-бойлик эгасига бойлиги-улуғлиги Сендан (қочиб қутулишига) фойда бермас» дер эдилар.<sup>111</sup>

Сўнгра ҳар бир намоздан кейин :



33 марта тасбих,  
**«СУБҲАНАЛЛОҲ»**  
(Аллоҳ барча айбу нуқсондан покдир)

33 марта таҳмид,  
**«АЛҲАМДУЛИЛЛАҲ»**  
(Аллоҳга барча ҳамду сано бўлсин)

33 марта такбир,  
**«АЛЛОҲУ АҚБАР»**  
(Аллоҳ буюкроқдир)

<sup>110</sup> Саҳиҳ Муслим (591) Савбон розияллоҳу анхудан ривоят қилинган

<sup>111</sup> Бухорий (844), Муслим (593) Муғириба ибн Шуъба розияллоҳу анхудан ривоят қилинган.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Ким ҳар намоздан кейин Аллоҳ таолога ўттиз уч марта тасбих, ўттиз уч марта ҳамд, ўттиз уч марта такбир айтса, бу ҳаммаси тўқсон тўққизта бўлгач, юзинчиси қилиб: “Laила иллаллоҳу вахдаху ла шариқа лаҳ лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала қулли шайъин қодийр” деса гуноҳлари, гарчи денгиз кўпикларича бўлса ҳам, кечирилади»<sup>112</sup>, деганлар.**

«Сунан»да Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

**«Ким бомдод намозидан кейин оёқларини буқкан ҳолда (яъни ташаҳхудда ўтирган ҳолидан ўзгармай туриб), (ҳали бирон оғиз) гапирмай туриб: «Laила иллаллоҳу вахдаху ла шариқа лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду (یحیی) (وَيُمیت) ва юмииту ва ҳува ала қулли шайъин қодийр»,**

Мазмуни: “Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ! У ёлғиз ҳам шериксиз Зотдир! Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир! Ўлдиради, тирилтиради ва У барча нарсага қодир”

**деб ўн марта айтса, унга ўнта савоб ёзилади, ўнта гуноҳи ўчирилади ва ўнта даража юксалтирилади, шу куни кун бўйи ҳар қандай ноҳушликдан сақланган ва шайтондан ҳимояланган ҳолда бўлади, Аллоҳга ширк келтиришдан бошқа бирон гуноҳ унга етиши (яъни амалини зое қилиши) мумкин эмас».<sup>113</sup>**

Сўнг «Оятул-курсий»ни, «Кул ҳуваллоҳу аҳад», «Кул аъувзу бироббили-фалақ» ва «Кул аъувзу бироббин-нас»ни ўқииди. Чунки, Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Ким ҳар намоздан кейин «оятул-курсий»ни ўқиса, уни жаннатга киришдан фақат ўлим тўсиб туради», деганлар.<sup>114</sup> Бошқа бир ҳадисда эса: «У иккинчи намозга қадар Аллоҳнинг ҳимоясида бўлади», дейилган.<sup>115</sup>**

<sup>112</sup> Саҳиҳ Муслим: 597

<sup>113</sup> Имом Термизий (3474): «ҳасан, саҳиҳ ҳадис» деган

<sup>114</sup> Насорий «Ал-кубр»да (9928) ва Табароний «Ал-кабир»да (8/114, №7532) ривоят қилганлар

<sup>115</sup> Табароний «Ал-кабир»да (3/83, №2733) Ҳасан ибн Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган

## ОЯТАЛ КУРСИ

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ  
وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا يُادِنُهُ يَعْلَمُ مَا يَبْيَنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفُهُمْ  
وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا  
يُؤْدُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ ﴿٢٥٥﴾

Мазмуни: «Аллоҳ — Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У ҳамиша) тирик ва абадий турувчиdir. Уни на мудроқ тутар ва на уйқу. Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Уникиdir. Унинг ҳузурида ҳеч ким (ҳеч кимни) Унинг рухсатисиз шафоат қилмас. (У) улар (одамлар)дан олдинги (бўлган) ва кейинги (бўладиган) нарсани билур. (Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаганча ўзлаштиурлар. Унинг Курсийси осмонлар ва Ердан (ҳам) кенгdir. У иккисининг ҳифзи (тутиб туриши) Уни толиқтирmas. У олий ва буюкdir».

Ушбу таҳлил, тасбех, таҳмид ва такбирларни санашда бармоқларидан фойдаланади. Чунки, бармоқлар қиёмат қуни ўзи билан қилинган амаллардан масъул ва улар ҳақида сўзловчи бўлади. Ушбу зикрларни санаш учун тасбеҳдан (яъни, саноқ учун ишлатиладиган мунчоқ шодасидан) фойдаланиш ҳам мумкин, бироқ тасбеҳнинг ўзида бирон фазилат бор деб эътиқод қилмаслик лозим. Уни баъзи уламолар макрух дейишган. Тасбеҳнинг ўзи учун бирон фазилат бор деб эътиқод қилса, уни тутиш бидъат бўлади. Бидъат бўлишидан ташқари, риё ва ўзини кўрсатиш ҳам бўлади.

### ДУО

Ушбу зикрлардан сўнг киши махфий равишда, ўзи истаганича дуо қиласди. Чунки, ушбу ибодат ва мазкур улуғ зикрлар ортидан қилинган дуо ижобат қилинишга лойиқdir. Нафл намоздан кейин қўлини кўтариб дуо қилиш мумкин. Дуони овозини кўтариб қилмайди, чунки махфий овозда дуо қилиш ихлос ва хушуъга яқин, риёдан узоқ бўлишга сабаб бўлади.

Айрим диёрларда жамоат намозидан кейин қилинадиган қўл кўтариб, баланд овозда жўр бўлиб, дуо қилишлар ёки имом дуо қилиб, маъмумлар қўл кўтариб «омийн» деб туриши бидъат амал бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан на бомдодда, на асрда ва на бошқа намозлардан кейин мана шу

кўринишда дуо қилганлари нақл қилинмаган, ундай қилишни дин имомларидан биронталари ҳам мустаҳаб санамаганлар.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бундай қилишни Имом Шофеъийдан нақл қилганлар у кишининг ҳақларида хато қилганлар». <sup>116</sup> Бунда ҳам, бошқа ишларда ҳам фақат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган нарсаларга чекланиш возибдири. Чунки, Аллоҳ таоло айтади:

**«Пайғамбар сизларга нимани келтирган бўлса, уни олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар».**<sup>117</sup>

**«(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва охират қунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни қўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир».**<sup>118</sup>

## ФАРЗ НАМОЗЛАРИГА ҚЎШИБ ЎҚИЛУВЧИ СУННАТЛАР

Мусулмон биродар! Билингки, суннати ротибалар (яъни, фарз намозлардан олдин ёки кейин ўқилувчи суннат намозлар) суннати муаккада саналади ва уларни тарқ қилиш макруҳдир. Чунки, уларни давомий тарқ қилиши унинг дини сустлигига ва динига бепарволигига далолат қиласи.

Суннати ротибалар ҳаммаси бўлиб ўн (ёки ўн икки) ракъат бўлиб, улар қўйидагилар:

- |                  |                |              |                 |                 |
|------------------|----------------|--------------|-----------------|-----------------|
| Пешиндан олдин   | Пешиндан кейин | Шомдан кейин | Хуфтондан кейин | Бомдоддан олдин |
| • 2 ёки 4 ракъат | • 2 ракъат     | • 2 ракъат   | • 2 ракъат      | • 2 ракъат      |

Ушбу суннати ротибаларнинг мазкур тафсилотига далил қўйидаги ҳадислар:

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтадилар: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн ракъат (нафл намози)ни ёдда сақлаб қолганман: пешиндан аввал икки ракъат, пешиндан кейин икки ракъат, шомдан кейин уйларида икки ракъат,*

<sup>116</sup> Мажмуъул-фатава: 22/512

<sup>117</sup> Ҳашр сураси: 7

<sup>118</sup> Ахзоб сураси: 21

*хуфтондан кейин ҳам икки ракъат уйларида ва бомдоддан аввал икки ракъат. Бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига ҳеч кирилмайдиган пайт бўлган. Ҳафса менга айтиб бердики, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззин аzon айтгач ва тонг отгач, икки ракъат ўқир эканлар».<sup>119</sup>*

*«Саҳиҳ Муслим»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешиндан аввал менинг уйимда тўрт ракъат ўқирдилар, кейин чиқиб, одамларга имом бўлиб намоз ўқирдилар, кейин уйимга қайтиб, икки ракъат ўқирдилар».<sup>120</sup>*

Ушбу ҳадислардан суннати ротибаларни уйда ўқиш масжидда ўқигандан афзал экани маълум бўлади. Зоро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Уйларингизда ҳам намоз ўқинглар ва уларни қабристон қилиб олманглар!», деганлар.<sup>121</sup>**

Мусулмон биродар! Ушбу суннати ротибаларни мухофаза қилинг, чунки ушбу суннати ротибаларни адо этиш билан фарз намозларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ямаш-тузатиш ҳосил бўлади. Инсон камчилик ва нуқсондан холи эмас, у доим ўз нуқсонини тўлдирадиган нарсага муҳтоҷ. Шундай экан, бу суннати ротибаларга бепарво бўлманг. Буларни сиз Парваридигорингиз ҳузурига борганингизда зиёда хайр-яхшиликлар қаторида топасиз.

## ВИТР НАМОЗИ

Витр - энг кучли нафл намозлардан бўлиб, ҳатто баъзи уламолар уни вожиб ҳам деганлар. Мусулмонлар витрнинг машруълигига иттифоқ қилганлар, уни тарк қилиш яхши эмас.

Витрнинг вақти хуфтон намозидан сўнг бошланиб, то тонг пайтигача давом этади.

Агар уни 3 ракъат қилиб ўқимоқчи бўлсангиз бунинг икки кўриниши бор:

1 - Аввал икки ракъат ўқийсиз, саломдан кейин туриб бир ракъатга ният қиласиз, рукуъдан аввал ёки кейин қунут дуосини ўқийсиз, ташаҳҳуд ва салавотларни ўқигандан кейин салом берасиз. Яъни уч ракъатни иккига бўлиб икки ташаҳҳуд, икки салом билан ўқийсиз. (2+1=3)

<sup>119</sup> Бухорий (1180), Муслим (729) ривоятлари

<sup>120</sup> Саҳиҳ Муслим: (730), Бухорий (1182) мухтасар шаклда ривоят қилган

<sup>121</sup> Бухорий (432), Муслим (777) Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилган

2 - Уч ракъатга (дилингизда) ният қиласиз, иккинчи ракъатнинг саждаларидан кейин ташаҳхудга ўтирмасдан қиёмга туриб кетасиз, учинчи ракъатни рукуъсидан кейин (гоҳида рукуъдан аввал) қунут дуосини ўқийсиз. Икки саждадан кейин қаъдада ташаҳхуд, салавотлар ва дуони ўқигандан кейин салом берасиз. Яъни бир ташаҳхуд ва бир салом билан уч ракъатни ўқийсиз. Аммо 3 ракъатли витрни шом намозига ўхшатиб, 2 ташаҳхуд билан ўқишингиз суннатга хилоф, балки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилишдан қайтарганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилади, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Витрни шомга ўхшатиб 3 ракъат ўқиманглар..."**.<sup>122</sup>

Витрнинг энг ози бу ҳақда келган ҳадисларга кўра ва ўн нафар саҳобалардан собит бўлганига кўра, бир ракъатдир. Лекин, ундан олдин жуфт ракъат ўтган бўлиши афзал ва яхшироқдир. Витрнинг энг кўпи 11 ракъат ёки 13 ракъат бўлиб, 2 ракъат – 2 ракъатдан ўқийди, сўнг охирида 1 ракъат билан витр қилади.

Витрда қунут дуоси ўқиш, яъни (охирги) рукуъдан кейин қўл қўтариб:

«اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِيمَنْ هَدَيْتَ وَعَافِنِي فِيمَنْ عَافَيْتَ وَتَوَلَّنِي فِيمَنْ تَوَلَّتَ  
وَبَارِكْ لِي فِيمَا أَعْطَيْتَ وَقِنِ شَرَّ مَا قَضَيْتَ إِنَّكَ تَقْضِي وَلَا يُقْضَى عَلَيْكَ وَإِنَّهُ  
لَا يَذِلُّ مَنْ وَالَّتَ وَلَا يَعِزُّ مَنْ عَادَتْ تَبَارُكْ رَبُّنَا وَتَعَالَى إِلَيْهِتْ»

*Мазмуни: «Эй Аллоҳ! Мени ҳидоят этган кишиларинг қатори ҳидоят этгин. Офият (соғлик, тўғрилик) ато этганларинг қаторида оғият бергин. Яқин тутганларинг қаторида мени ҳам Ўзингга яқин этгин. Ато қилган нарсаларингни мен учун баракотли этгин. Қазо-ҳукм этган нарсаларинг ёмонлигидан мени асрарин. Албатта, Сен ҳукм этсан. Сенга (қарши) ҳукм этилмас. Сен дўст тутган киши хор бўлмас ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас. Парвардигоро! Сен баракотли-буюк ва олий Зотдирсан» дейиш мустаҳабдир.<sup>123</sup>*

## ЖАМОАТ НАМОЗИННИГ ФАРЗЛИГИ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТИ

Жамоат намозининг фойдаларидан ажрни қўпайтириш, мусулмон киши мусулмон биродарларининг солиҳ амаллар қилаётганларини кўриб, улардан ўrnак олиши, жоҳилга таълим бериш ҳосил бўлади.

<sup>122</sup> Фатхул Борий 4/301 га қаралсин

<sup>123</sup> Абу Довуд (1425), Термизий (464), Насорий (1745), Ибн Можа (1178) Ҳасан ибн Алий (р/а)дан ривоят қилганлар

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Жамоат намози ёлғиз кишининг намозидан йигирма етти даража ортиқдир»,** деганлар.<sup>124</sup> Бир ривоятда: **«йигирма беш даража ортиқ»,** деганлар.<sup>125</sup>

Жамоат намози эркакларга муқимлиқда ҳам, сафарда ҳам, омонлик ҳолатда ҳам, хавф-хатар ҳолатида ҳам фарзи айнди. Бунга Китобу Суннат, мусулмонларнинг асрлар оша қилиб келаётган амали далилдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтилишича, кўзи ожиз бир одам: «*Ё Расулаллоҳ, мени масжидга етаклаб келадиган одамим йўқ*» деб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан уйида намоз ўқишига рухсат сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга рухсат бердилар. Эндиғина бурилиб кетаётган эди, ул зот уни чақирдилар ва: **«Намозга айтиладиган аzonни эшитасизми?»**, деб сўрадилар. «*Ҳа*», деб жавоб берди. **«Ундай бўлса ижобат қилинг (яъни, жамоатга келинг)»**, дедилар.<sup>126</sup> Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у одамдаги қийинчиликни билганлари ҳолда аzonга ижобат қилишга ва жамоатга ҳозир бўлишга буюрдилар. Бу эса жамоат намозининг фарзлигига далолат қиласи. Имом Аҳмад ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда айтилади:

**«Аллоҳнинг нидо қилувчиси «Нажотга келинглар» деб намозга чақираётганини эшитиб туриб, унга ижобат қилмаслик жафо устига жафо, куфр ва мунофиқликдир».**<sup>127</sup>

## САФЛАРНИ ТЕКИСЛАШНИНГ ВОЖИБЛИГИ

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абу Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга турганимизда елкаларимизни текислаб:

**«Баробар туринглар, нотекис турманглар, қалбларингиз номувон-фий бўлиб қолмасин. Ораларингиздаги ақл заковатли кишилар менга яқин турсин, сўнгра (ақлда) уларга яқинроқлари, сўнгра уларга яқинроқлари (турсин)»** дер эдилар.

<sup>124</sup> Бухорий (645), Муслим (650) Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилганлар

<sup>125</sup> Бухорий (646) Абу Саид розияллоҳу анхудан, Бухорий (647) ва Муслим (649) Абу Ҳурайра р/анхудан ривоят қилганлар

<sup>126</sup> Имом Муслим (653) ривояти

<sup>127</sup> Аҳмад (3/439, №15627), Табароний «Ал-кабир»да (20/183, №394) Муоз ибн Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилганлар



عَنْ أَنَّسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى  
اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَقِيمُوا صُفُوفَكُمْ فَإِنِّي أَرَاكُمْ مِنْ  
وَرَاءِ ظَهْرِي وَكَانَ أَحَدُنَا يُلْزِقُ مَنْكِبَهُ بِمَنْكِبِ صَاحِبِهِ  
وَقَدَمَهُ بِقَدَمِهِ

Имом Бухорий Анас розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

### «Сафларингизни тўғриланглар, мен сизларни орқамдан ҳам кўриб тураман», дедилар.

Анас розияллоху анху айтади: *Биз (сафга турганимизда) елкамизни ёнимиздаги биродаримизнинг елкасига, оёгимизни оёғига ёпишишириб турар эдик.*

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам сафлар тўғри бўлишига қаттиқ аҳамият берардилар, ҳатто саҳобаларнинг елкаларидан ушлаб, сафларини худди найзани бир текис қилиб тергандай текислардилар. Умар розияллоху анху халифалик даврида ҳар бир сафга сафни тўғрилайдиган бир одам тайинлаб қўйган эди. Сафлар тўғриланди, дейилганидан кейингина намозни бошлар эди. Бугунги кунга келиб бизнинг диёрларда одамлар бу суннатни унутишди, сафларни текис ва жипс қилинишига эътибор бериш йўқолди, балки мусулмонлар орасидаги баъзи ихтилофларнинг сабаби ҳам ушбу суннатни тарқ қилганимиздир.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, баъзи намозхонлар сафни боғлайман деб сафда оёқлари орасини кенг очиб туради, бунинг сабаби эса ёнидаги намозхон икки оёғини бирбирига жислагудек туриб оладида ёнидаги бўшлиқни тўлдириш ўрнига ҳамсоясидан узокроқ туришга интилади. Бу албатта билмасликдан.



Сафда турилганда оёқлар елка кенглигида қўйилади ҳамда елка ва оёқни ёнидаги кишининг елка ва оёғига теккизиб турилади, ана шунда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам суннатлари рӯёбга чиқади.

Аллоҳ таоло оламдаги барча мусулмонларнинг қалбларини ва сафларини тўғриласин ва бирлаштиурсин.

## АЁЛЛАРНИНГ МАСЖИДГА КЕЛИШЛАРИ ҲУКМИ

Динимиз комил, дунё ва охиратимиз манфаатларини ўз ичига олган диндир. У барча мусулмонларга, эркакларга ҳам, аёлларга ҳам яхшиликлар олиб келган.

Аллоҳ таоло айтади:

**«Эркакми ё аёлми — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз».<sup>128</sup>**

Динимиз аёл кишига алоҳида эътибор қаратган, дин йўлини маҳкам тутган ва диннинг фазилатлари билан безангандир аёлга ҳурмат-эҳтиром кўрсатгандир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Аллоҳнинг аёл бандаларини Аллоҳнинг масжидларидан тўсманглар. Лекин хушбўйланмаган ҳолда чиқсинлар»,** деганлар.<sup>129</sup>

Аёл киши шарму ҳаёлик бўлиш, ўраниб юриш, зийнат ва хушбўйланишни тарк қилиш, эркаклар билан аралишиб юришдан узоқ бўлиш каби Ислом одобларига риоя қилса, жамоат намозида иштирок этиш ва зикр мажлисларида ҳозир бўлиш учун масjidга чиқиши мубоҳ (руҳсатдир). Шу ҳолда ҳам уйида қолиши масjidга чиқишидан кўра яхшироқдир. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Уйлари улар учун яхшироқ**», деганлар.

Мусулмонлар фитнадан узоқ бўлиш ва ёмонликнинг олдини олиш нуқтаи назаридан аёл кишининг уйида ўқиган намози масжидда ўқиган намозидан яхши эканига иттифоқ қилганлар.

Аммо, агар Ислом одобларига риоя қилмаса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтарган қўринишда – зийнатланиб ва хушбўйланиб чиқадиган бўлса, ундан аёлнинг масjidга чиқиши ҳаромдир, валийси ва масъул шахслар уни бундан ман қилишлари вожиб бўлади.

Муслима синглим! Динингиз таълимотларини маҳкам ушланг, сизга Ислом тарафидан берилган ва бошқа ҳеч ким беролмайдиган мукаррамлигинги тортиб олмоқчи бўлаётган кимсаларнинг адаштирувчи чақириқларига алданиб қолманг!

<sup>128</sup> Нахъ сураси: 97

<sup>129</sup> Имом Аҳмад (2/438, №9645) ва Имом Абу Довуд (565) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар

**«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчи-ларданdir».**<sup>130</sup>

## ИМОМГА НАМОЗДА ЭРГАШИШ

Саҳобалар имомга эргашишга қаттиқ эътибор беришганлариға қуйидаги мисолни келтирамиз. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари билан бир куни намоз ўқиётганларида оёқ кийимларини ечдилар. Саҳобалар ҳам оёқ кийимларини ечишди. Ул зот намозни тугатганларидан сўнг улардан: «**Сизларга нима бўлдики, оёқ кийимларингизни ечдингизлар?**» деб сўрадилар. Улар: «*Сиз оёқ кийимингизни ечганингизни кўриб биз ҳам ечдик*» дейишди. Ул зот айтдилар: «**Менга Жаброил келиб оёқ кийимда нажосат – ёки зиён – (бошқа ривоятда ифлослик) борлигини айтди ва мен уни ечдим. Сизлардан биронтангиз масжидга келса, оёқ кийимиға қарасин, агар нажосат – ёки зиён – (бошқа ривоятда ифлослик) кўрса, оёқ кийимини артсин-да, шу (оёқ кийим)да намоз ўқисин».**<sup>131</sup>

Ҳофиз Ибн Ҳажар «Фатхул-Борий»да Умар розияллоҳу анҳу шомни қироатсиз ўқиб қўйганлари ҳақида ривоятни келтирадилар. Кейин намоздан сўнг у кишига бу ҳақда айтишганида, Умар: «*Қироатсиз намоз намоз эмас*» деб намозни бошқатдан ўқиганлар. Эътиборли жойи шуки, ортларидан саҳобалар индамай намоз ўқиган ва танбехни намоздан сўнг айтишган.

Албоний раҳимаҳуллоҳ намозларни, хусусан витр намозини масжид имоми бошқа мазҳабда ўқигани учун унинг орқасида эргашмаганларни «Саҳиҳа»да танқид қилганлар.

Ибн Боз раҳимаҳуллоҳ савол берувчига таровихни 23 ракаат ўқиган имомнинг орқасидан тўлиқ ўқишини тавсия қилганлар ва имомнинг ортидан намозни тўлиқ ўқиган кишига кечаси билан намоз ўқиган деб ёзилиши ҳақидаги ҳадисни келтирганлар.

## ФОЖИР ЁКИ БИДЪАТЧИ ИМОМГА НАМОЗДА ЭРГАШИШ МАСАЛАСИ

Баъзи мусулмонлар имомнинг фожир эканлигини ёки шунга ўхшаш бошқа сабабларни рўкач қилиб масжидга чиқмай, ортидан намоз ўқишимайди.

«Саҳиҳул-Бухорий»да: Абдуллоҳ бин Умар ва Анас бин Молик разияллоҳу анҳумлар Ҳажжож бин Юсуф орқасида унга иқтидо қилиб намоз ўқишар эди, деб ривоят қилинади. Ҳажжож (қонлар тўккан Амир) фосиқу золим эди.

<sup>130</sup> Оли Имрон сураси: 85

<sup>131</sup> Абу Довуд, Ибн Ҳузайма, Ҳоким, Заҳабий ва Нававий саҳиҳ дейишди. «Ирвоул-ғолил»да келтирилган (№284)

## САХВ (УНУТИШ) САЖДАСИ

Инсон унутиш ва эсдан чиқаришга учраб туради, шайтон унинг фикрини сочиб, намозидан чалғитишга тинмай ҳаракат қилади, кўпинча шунинг натижасида намозда зиёдалик ёки нуқсон бўлиб қолади. Шунинг учун Аллоҳ таоло мана шундай ҳолга тушган намозхонга шайтоннинг адабини бериш, камчиликнинг ўрнини тўлдириб қўйиш ва Раҳмонни рози қилиш учун намозининг охирида уламолар сахв (унутиш) саждаси деб номлашган саждани қилишни машруъ қилди.

Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

**«Агар сизлардан бир киши сахв қилиб, бир ракъат ўқидими ё икки ракъатми, билмаса, бир ракъатга бино (яъни ҳисоб) қилсин. Агар икки ракъат ўқидими ё уч ракъат ўқидими, билмаса, икки ракъатга бино қилсин. Агар уч ракъат ўқидими ё тўрт ракъатми, билмаса, уч ракъатга бино қилсин ва салом беришидан олдин икки бор сажда қилсин»<sup>132</sup>**

Куйидаги уч ҳолатдан бирида сахв саждаси қилиш машруъ бўлади:

- 1) Сахв туфайли намозни зиёда қилса.
- 2) Сахв туфайли намозни камайтириб қўйса.
- 3) Зиёда ё кам ўқигани хусусида шубҳа қилиб қолса.

Далил келганидек, мана шу уч ҳолатда сажда қилади, ҳар бир зиёдалик, нуқсон ва шакда сажда қилавермайди. Сабаби мавжуд бўлганда сахв саждаси қилади, намози фарз бўладими, нафлми, фарқсиз. Чунки, далил умумий келган.

Агар ракъатлар сонида шак қилса, яъни икки ракъат ўқидими, уч ракъатми, билмай қолса, озига бино (яъни, ҳисоб) қилади. Чунки, ози (яъни, икки ракъат ўқигани) аниқ, кўпи (яъни, уч ракъат ўқигани) эса шубҳалидир. Сўнг саломдан олдин сахв саждаси қилади.

Агар маъмум имомга биринчи ракъатдан эргашдими, иккинчи ракъатдами, шак қилиб қолса, иккинчи ракъатдан эргашган деб ҳисоб қилади. Ёки биринчи ракъатга етган ё етмаганида шак қилса, ўша ракъатни ҳисоб қилмайди ва сахв саждаси қилади.

Агар руқни тарқ қилганлигида шак қилиб қолса, уни тарқ қилган деб ҳисоблайди ва ўша руқни ва ундан кейинги амалларни адо қилади.

---

<sup>132</sup> Термизий, Ибн Можа ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиха: 3/341

Мазкур айтиб ўтилган ҳукмлар саҳв саждаси ҳақидаги ҳукмларнинг қисқача кўринишидир. Зиёда билишни истаганлар ажкомлар тўғрисидаги китобларга мурожаат қилишлари мумкин. Аллоҳ муваффақ қилсин.

## НАМОЗДА ВАСВАСАНИ ДАФ ҚИЛИШ

Усмон ибн Абил-Ос розияллоҳу анҳу:

«*Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шайтон мен билан намоз ва қироатим ўртасига гов бўлиб, уни чалкаштириб юборяпти*», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«**Бу «Ханзаб» исмли шайтондир. Агар уни сезиб қолсангиз, Аллоҳдан паноҳ тиланг ва чап тарафингизга уч маротаба туфланг!**».

Усмон айтади: «*Шундай қилган эдим, Аллоҳ мендан уни кетказди*». <sup>133</sup>

## ЖУМА НАМОЗИ

Ушбу намоз унда жуда кўпчилик жамлангани учун ҳам жумъа (жамланиш) намози деб ном олган, (ҳафтанинг жумъа куни номи ҳам ушбу намоздан олинган).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«**Жумъа куни энг афзал кунларингиздандир**», деганлар. <sup>134</sup>

Мусулмонларнинг бу кунда тўпланишлари Аллоҳнинг уларга бўлган улкан неъматларини ёдга олиш мақсадида ва унинг шукрига ундейдиган хутба машруъ қилинди.

Аллоҳ таоло айтади:

«**Эй мўминлар, қачон Жумъа кунидаги намозга чорланса (яъни аzon айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олдисотдини тарқ қилинглар! Агар биладиган бўлсангизлар мана шу (яъни Аллоҳнинг зикрига — Жумъа намозини ўқишига шошилиш) ўзларингиз учун яхшироқдир**». <sup>135</sup>

<sup>133</sup> Муслим, Ахмад ривоятлари.

<sup>134</sup> Абу Довуд (1047), Насойй (1394) ва Ибн Можа (1085) Авс ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар

<sup>135</sup> Жумъа сураси: 9

Жумъа намози Исломдаги энг зарурий фарзлардан ва мусулмонларнинг энг катта йифилишлари дандир. Ким бу намозни бепарволик билан тарк қылса, Аллоҳ унинг қалбини муҳрлаб қўяди.

## ЖУМА КУНИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бу кун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўп салавот айтиш мустаҳабдир.

Жумъа куни ғусл қилиб, покланишга амр бўлди. Бу куннинг ғусли суннати муаккададир. Уламолар ичидан уни мутлақ фарз деганлар ҳам бор, баъзилари эса уни нохуш ҳид келиб турган одам ҳаққида фарз деганлар.

Бу кунда хушбўйланиш мустаҳабдир ва ҳафтанинг бошқа кунларида хушбўйланишдан афзалроқдир.

Жумъа намози ўқиш учун масжидга эртароқ бориш ҳамда то имом хутбага чиққунига қадар нафл намозлар, зикр ва қироат билан банд бўлиш мустаҳаб, хутба бошланганидан кейин эса унга жим қулоқ солиш фарз ҳамда хутба вақтида гапириш ҳаромдир. Ким хутбани жим ўтириб тингламаса, лағв-бехуда иш қилган бўлади. Лағв билан машғул бўлган кишининг жумъаси жумъа бўлмайди. «Саҳиҳайн»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Жумъа куни имом хутба қилаётганида ёнингдаги шеригингга:  
«Жим бўл» десанг ҳам лағв қилган бўласан»** дедилар.<sup>136</sup>

Жума кунининг хусусиятларидан яна бири «Қаҳф» сурасининг ўқилишидир. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Кимки «Қаҳф» сурасининг бошидан ўн оят ёдласа, дажжол фит-насидан омонда бўлади»** дедилар.<sup>137</sup>

Бу кунда дуолар ижобат қилинадиган соат бордир.

Бу куннинг хусусиятлари ҳақида Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ «Зодулмаъод» номли китобида уларнинг саноғини 133 тага етказган. Шунчалик бўлишига қарамай, кўпчилик одамлар бу куннинг ҳаққи-ҳурматини ўз ўрнига келтирмайдилар, улар наздида бу куннинг бошқа кунлардан фарқи бўлмайди, айримлар эса шундай улуғ кунни ўйин-кулги ва Аллоҳнинг зикридан ғоғиллик билан зое қиласидилар.

<sup>136</sup> Бухорий (934) ва Муслим (851) ривоятлари

<sup>137</sup> Муслим, Абу Довуд, Аҳмад ривояти

## ЖУМА НАМОЗИННИГ СИФАТИ

Умар розияллоху анху айтганлар: «*Сафар намози икки ракъатдир, жумъа намози икки ракъатдир, ийд намози икки ракъатдир, (булар) Пайғамбарингиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг тиллари гувоҳлиги билан тўла намозлар, қаср эмас»*<sup>138</sup>

Жумъа куни масжидга кириб келгандан сўнг икки ракат таҳийятул масжид намози ўқилади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

**«Жумъа куни бировингиз келганида имом (хутбага) чиққан бўлса,<sup>139</sup> (тезгина) икки ракъат намоз ўқиб олсин»** деганлар.

Агар ўтириб олган бўлса ҳам, туриб икки ракъат ўқиб олади.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Жумъага келган киши то имом хутбага чиққунича намоз ўқиш билан машғул бўлиши афзалдир. Чунки, «Саҳиҳ»да Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадис борки: «**Кейин насиб қилганича намоз ўқиса...**», деганлар. У зотнинг бу сўзларида жумъа куни масжидга эртароқ келиб, намоз билан машғул бўлишга тарғиб бордир. Саҳобалар жумъа куни масжидга эрта келиб, нафл намозлари ўқишига киришар эдилар. Баъзилари 10 ракъат, баъзилари 12 ракъат ўқишиар, айримлари 8 ракъат, айримлари ундан озроқ ўқирдилар. Шунинг учун жумъадан олдин намоз ўқиш ҳасанот, бироқ суннати ротиба эмасдир. Агар ўқиса ёки тарқ қиласа, уни инкор қилинмайди. Сўзларнинг энг адолатлиси шудир. Агар жоҳил кишилар уни суннати ротиба деб эътиқод қилиб олишган бўлса, ўқимаслик афзароқ бўлади».<sup>140</sup>

Демак, жумъадан олдин суннати ротиба йўқ, суннати ротиба жумъадан кейиндир. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

**«Сизлардан бирингиз жумъани ўқигач, унинг ортидан тўрт ракъат намоз ўқисин», деганлар.**<sup>141</sup>

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинишича: «*Rasululloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъадан кейин икки ракъат намоз ўқирдилар*».<sup>142</sup> Иккала ҳадис ўртасини жамлаш йўли шуки, уйида ўқиса икки ракъат ўқийди, масжидда ўқиса, тўрт ракъат ўқийди.

<sup>138</sup> Насой (1420), Ибн Можа (1063) ва Аҳмад (1/37, №257) ривоятлари

<sup>139</sup> Бухорий (930, 931) ва Муслим (857)

<sup>140</sup> Мажмуъул-фатава: 24/189

<sup>141</sup> Муслим (881) ривояти

<sup>142</sup> Бухорий (937) ва Муслим (882) ривоятлари

Ториқ ибн Шиҳоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади:

**«Жумъа жамоатдаги ҳар бир мусулмон кишига фарздир, бундан фақат тўрт киши мустасно: бирорвнинг мулки бўлган қул, аёл киши, ёш бола ва bemor киши».**<sup>143</sup>

Ким дам олиш учун ё бошқа мақсадда дала-даштга ё тофу-тошга чиққан бўлса, яқин атрофида жумъа ўқиладиган масжид бўлмаса, унга жумъа лозим бўлмайди, пешин ўқиб қўяди.

## ТАРОВИҲ НАМОЗИ

Таровиҳ намози суннати муаккададир. Таровиҳ (тин олиш, дам олиш) деб номланишига сабаб – одамлар ҳар тўрт ракъатдан сўнг<sup>144</sup> ўртада дам олишарди, чунки намоз жуда узун ўқиларди.

Уни масжидда жамоат бўлиб ўқиш афзалдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Кимки, имом намоздан тугатгунига қадар у билан бирга намозда турса, унга тун бўйи намоз ўқиб чиққандек савоб ёзилади», деганлар.**<sup>145</sup> Яна у зот:

**«Ким Рамазонда иймон билан, савоб умидида (тунги намозда) қоим бўлса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади»** деганлар.<sup>146</sup>

Таровиҳ намози событ суннатлардан, мусулмон киши уни тарк қилиши керак эмас.

Таровиҳнинг ракъатлари сонига келсак, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирон нарса событ бўлган эмас, бу ҳақда кенглик бор.

<sup>143</sup> Абу Довуд 1067, Ҳоким 1/321. Имом Нававий, ҳоғиз Ибн Ражаб, ҳоғиз Ибн Касир ва шайх Албоний ҳадисни сахиҳ деди. Қаранг: «ал-Мажмӯа» 4/483, «Фатхул Борий» 5/327, «Иршод ал-фақиҳ» 1/190, «Саҳиҳ ал-Жомиӣ» 3111

<sup>144</sup> Яъни, ҳар икки саломдан сўнг. Чунки, таровиҳ ва таҳажҷуд намози икки ракъат – икки ракъат ўқилади. Айрим илмизсиз масжид имомлари бу борада хатога йўл кўйиб, таровиҳ ёки таҳажҷуд намозларида икки ракъатдан кейин салом бермайдилар. Бундай қилиш суннатга хилоф қилиш бўлади. Уламолар таровиҳ ё таҳажҷудда икки ракъатда салом бермай, учинчи ракъатга туриб кетган одам бамдод намозида учинчи ракъатга туриб кетган билан бир хил, деганлар, яъни унинг намози ботил бўлади. Шайх Абдулазиз ибн Боз р/ҳ нинг ундей қилувчиларга рад қилувчи ва хатоларини баён қилиб берувчи жавоблари мавжуд.

<sup>145</sup> Термизий (806), Насоий (1605), Абу Довуд (1375), Ибн Можа (1327) Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар

<sup>146</sup> Бухорий (2009), Муслим (759) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоятлари

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Истаса, Аҳмад ва Шофеъий мазҳабида машхур бўлганидек 20 ракъат ўқиши мумкин. Истаса, Молик мазҳабида бўлганидек 36 ракъат ўқиши мумкин. Истаса, 11 ёки 13 ракъат ўқиши мумкин. Қай бирин қилса ҳам яхши бўлаверади. Ракъатларини кўпайтириш ё озайтириши қиёмнинг узун-қисқалигига қараб бўлади».<sup>147</sup>

Умар розияллоҳу анҳу одамларни Убай розияллоҳу анҳуга жамлаб берганлар, Убай уларга 20 ракъат ўқиб берарди. Саҳобалар ичида айримлари камроқ, айримлари кўпроқ ўқишарди. Шориъ (шариат соҳиби) томонидан белгилаб берилган муайян ҳад-худуд мавжуд эмас.

Масжид имомларидан кўплари таровихни жуда шошилиб ўқишиди, рукуъ ва сужудда хотиржам туришмайди. Ваҳоланки, хотиржам туриш намоз рукнларидан. Намозда Аллоҳ ҳузурида қалб ҳузури билан туриш, Аллоҳнинг каломи тиловатидан таъсирланиш матлубдир. Шошилиб ўқилганда бу нарса ҳосил бўлмайди. Қироатни узайтириб, хотиржамлик билан ўқилган 10 ракъат намоз шошиб ўқилган 20 ракъатдан афзал. Чунки, намознинг мағзи ва руҳи қалбнинг Аллоҳ азза ва жаллага боғланишидир.

Аллоҳ таоло айтади:

**«Уларнинг ичида китобни (нг маъноаларини тушунмасдан фақат) ўқишинигина биладиган омийлари ҳам борки, улар фақат, гумон қиласидар, холос.»<sup>148</sup>**

Яъни, тушунмасдан ўқийдиган омийлар бор. Қуръон нозил қилинишидан мурод – уни тиловат қилибгина кўйиши эмас, унинг маъноларини тушуниш ва уларга амал қилишдир. Айрим оз нарсалар борки, кўп нарсадан яхши бўлади. Ундан ташқари, дона-дона қилиб қироат қилиш тез ўқигандан афзалдир.

## ИЙД НАМОЗЛАРИ

Ийд ҳар йили такрорланиб ва қайтиб келгани учун ийд (яъни, «Қайтиш») деб номланган. У шодлик ва хурсандчилик олиб келади, унда Аллоҳ таоло бандаларига рўза ва ҳаж ибодатини адо этиб бўлишлари ортидан кўп яхшиликлар ато этади.

Икки ийд – Ийдул-фитр ва Ийдул-азҳо – (яъни, рўза ҳайити ва қурбон ҳайити) намозлари Китобу Суннат ва мусулмонлар ижмоъси билан машруъдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳатто аёлларни ҳам уни адо этишга буюрганлар ва:

<sup>147</sup> Ал-фатавал-кубро: 5/342

<sup>148</sup> Бакара сураси: 78

**«Хушбўйланмаган ҳолда чиқсингар, эркаклардан четлансингар, ҳайзли аёллар намозгоҳдан четда турсингар»<sup>149</sup>, деганлар.**

Ийд намозининг вақти кун чиқиб, найза бўйи кўтарилиган пайтда бошланади. Ийдул-азҳони (қурбон ҳайити) бироз эртароқ, ийдул-фитрни (рўза ҳайити) эса бироз кечиктириб ўқиш суннатдир. Ийд намозига имомга яқинроқ туриш ва намозни кутиб туриш фазилатига эришиб, савобни кўпайтириш учун эртароқ чиқиши суннатдир. Мусулмон киши ийд намози учун энг яхши либосларини кийиб, ораста бўлиб чиқиши суннатдир. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, у киши икки ҳайит кунлари энг яхши либосларини киярдилар.<sup>150</sup>

Ийд намози хутбадан илгари ўқиладиган икки ракъатдир. Ибн умар розияллоҳу анҳумо айтишларича: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алаихи ва саллам, Абу Бакр, Умар, Усмон розияллоҳу анҳум ийд намозларини хутбадан олдин ўқирдилар*».<sup>151</sup> Суннат шудир, ахли илмлар омматан шунга амал қилганлар.

Ийд намози учун аzon ҳам, иқомат ҳам машруъ бўлмаган. Ийд намози икки ракъат бўлиб, имом уларда қироатни жаҳрий қиласди.

Биринчи ракъатда Такбиратул-иҳромдан кейин истифтоҳ дуосини ўқииди, сўнг зиёда олти такбир айтади, олтинчи такбирдан кейин тааввуз (аъувзу биллаҳи минаш шайтонин рожийм) ўқиб, кейин қироат қиласди.

Иккинчи ракъатда қироатдан олдин, саждадан туришда айтиладиган такбирдан ташқари бешта такбир айтади.

Амр ибн Шуъайб отасидан, у бобосидан ривоят қилинишича: «*Пайғамбар соллаллоҳу алаихи ва саллам ийдда ўн икки такбир айтдилар, биринчи ракъатда еттита, иккинчи ракъатда бешта*».<sup>152</sup> Ҳар бир такбир билан қўлларини кўтаради.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривоят қилинишича: «*Пайғамбар соллаллоҳу алаихи ва саллам ийд куни икки ракъат намоз ўқидилар, ундан олдин ҳам, кейин ҳам намоз ўқимадилар*» (Муттафақун алайх).

Ийд намозига етолмай қолган одам, агар келганида имом хутба қилаётган бўлса, ўтириб, хутбани тинглайди. Хутбадан кейин туриб, уни ўз шаклида, зоида такбирлари билан қазосини ўқиб қўяди. Ўзи ёлғиз ўқиса ҳам, жамоа бўлиб ўқилса ҳам жоиз.

<sup>149</sup> Бухорий ва Муслим

<sup>150</sup> Байҳақий (3/281) ривояти

<sup>151</sup> Бухорий (962) ва Муслим (884) ривоятлари

<sup>152</sup> Муснад Аҳмад: 2/180, №6688

## ЖАНОЗА НАМОЗИ

Вафот этган мусулмон кишига жаноза намози ўқиш машруъдир. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Ким жанозада то намоз ўқиб бўлингунча ҳозир бўлса, унга бир қийрот (ажр), то дағн қилингунча ҳозир бўлса, унга икки қийрот (ажр) бўлади», дедилар.** «*Икки қийрот қанча бўлади?*» деб сўралди. **«Иккита катта тоғча»<sup>153</sup>, дедилар.**

Майитга намоз ўқиш фарзи кифоя бўлиб, баъзилар адо этса, бошқалар зиммасидан гуноҳ соқит бўлади. Агар ҳеч ким ўқимаса, ҳамма тенг гуноҳкор бўлади.

Жаноза намозининг рукнлари: қиём (тик туриш), тўрт такбир айтиш, сураи Фотихани ўқиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот ўқиш, майит ҳаққига дуо ўқиш, тартиб ва саломдир.

Суннатлари: Ҳар бир такбирда қўл қўтариш, қироатдан олдин «аъувзу»ни айтиш, ўзига ва мусулмонларга дуо қилиш, қироатни маҳфий қилиш, тўртинчи такбирдан сўнг ва саломдан олдин бироз туриш, ўнг қўлини чап қўли устига кўкракларига қўйиш, саломда ўнг томонга ўгирилиш.

Жаноза намозида имом ва ёлғиз ўқувчи одам майит эркак киши бўлса, кўкраги қаршисида, аёл кишининг ўрта (бел) қисми қаршисида туради, муқтадиyllар эса имомнинг орқасида турадилар. Улар уч саф бўлиб туришлари мустахабдир. Сўнг ихром такбири айтади ва такбирдан кейиноқ – истифтоҳ ўқимасдан – аъувзу ва бисмиллаҳни ўқиб, Фотиха сурасини ўқийди, сўнг такбир айтиб, ташаҳҳудда ўқигандек саловот ўқийди. Сўнг такбир айтиб, майит ҳаққига ҳадисларда келганидек қуидагича дуо ўқийди:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِحَيْنَا وَمَيْتَنَا، وَشَاهِدِنَا وَعَائِنَا، وَصَغِيرِنَا وَكَبِيرِنَا، وَذَكْرِنَا وَأَنْشَانَا،  
اللَّهُمَّ مَنْ أَحْيَيْتَهُ مِنَّا فَأَحْمِيهُ عَلَى الْإِسْلَامِ، وَمَنْ تَوَفَّيْتَهُ مِنَّا فَتَوَفَّهُ عَلَى الإِيمَانِ،  
اللَّهُمَّ لَا تَحْرِمْنَا أَجْرَهُ وَلَا تُضِلْنَا بَعْدَهُ.

Мазмуни: «Парвардигоро! Бизнинг тиригу ўликларимизни, ҳозиру ғоибларимизни, каттаю кичигимизни ҳамда эркагу аёлимизни (гуноҳларини) мағфират этгин. Эй Аллоҳ! Агар биздан биронтамизни яшатадиган бўлсанг, уни исломда

<sup>153</sup> Бухорий (1353) ва Муслим (945) ривоятлари

яшатгин. Жонини оладиган бўлсанг, иймони билан олгин. Эй Аллоҳ! Бунинг ажр-  
савобидан бизни маҳрум айлама ва унинг ортидан бизни Ўзинг адаштирганинг». <sup>154</sup>

Ким жанозанинг бир қисмига етиб келолмаса, келиб қўшилган жойидан  
бошлаб ўқийди, имом салом берганидан кейин етолмаган қисмини ўзи ўқиб  
қўяди. Агар тобут ердан кўтарилишидан хавф қилса, такбирларни бирин-кетин  
(ўртада тўхталишсиз) қилиб, салом беради. Бирон кишининг вафотидан хабар  
топган бошқа диёргаги киши унга ғойибона жаноза ўқиб қўйса, жоиздир.

Ҳомиладор аёлнинг ҳомиласи ўлик тушса, тўрт ойни тўлдирган бўлса, унга  
жаноза ўқилади. Агар тўрт ойдан кам бўлса, ўқилмайди.

## ТУНГИ НАМОЗ – ТАҲАЖЖУДНИНГ ФАЗИЛАТИ ВА СИФАТИ

Аллоҳ таоло кечаси туриб намоз ўқийдиган бандаларини мақтаб шундай  
дейди:

تَتَحَافَّ جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا وَمِمَا رَزَقْنَاهُمْ  
ۖ ۱۶ ۖ يُنْفِقُونَ

«Уларнинг ёнбошлари ўрин жойларидан йироқ бўлур (яъни  
тунларни ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар). Улар Парварди-  
горларига қўрқув ва умидворлик билан дуо илтижо қилурлар». <sup>155</sup>

И мом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай  
дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

«Албатта, тунда бир вақт борки, қай бир мусулмон бу вақтга  
Аллоҳдан дунё ва охиратининг яхшилигини сўраган ҳолда тўғри  
келса, унга тилагини албатта беради ва бу вақт ҳар кечада  
бўлади» деганларини эшитдим.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо  
шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан тунги  
намоз ҳақида сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Тунги намоз икки ракъат, икки ракъатдан (ўқилади.) Агар  
сизлардан бирингиз тонг отиб қолишидан хавф қилса, бир ракъат

<sup>154</sup> Абу Довудд (3201), Термизий (1025), Ибн Можа (1498) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар

<sup>155</sup> Сажда сураси 16-оят

**ўқисин, бу унинг ўқиган намозларини витр (тоқ) қилиб қўяди», дедилар.**

Таҳажжуд намозини икки ракъат, икки ракъатдан ўқиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари. Шунингдек, у зот узун ва чиройли ўқиган ҳолларида ўн бир ракъатдан зиёда қилмас эдилар. Таҳажжудни енгил икки ракъат намоз билан бошлар эдилар. Витрни уч ракъат ўқиса бўлади, агар бир неча жуфт ракъат ўқиган бўлса ёлғиз бир ракъат билан витр қилиб олса бўлади. Кечанинг охирида туришга аниқ ишонч ҳосил қилмаган одам ухлашидан аввал витр ўқиб олиши суннат.

## **ЧОШГОҲ (ЗУҲО) НАМОЗИ**

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда:

**«Ким субҳ намозидан бурилгач, то икки ракъат чошгоҳ намозини ўқигунча фақат яхши сўзни сўзлаб намозгоҳида ўтиrsa, гуноҳлари денгиз кўпикларидан ҳам қўп бўлса-да кечирилади»<sup>156</sup>,** дейилган.

Абу Сайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чошгоҳ намозини (қўймай) ўқирдилар, ҳатто биз: «Энди тарқ қилмасалар керак» деб ўйлаб қолардик, (баъзан) уни тарқ қилардилар, ҳатто биз: «Энди ўқимасалар керак» деб қолардик».<sup>157</sup>

Чошгоҳ намозининг энг ози икки ракъатdir. Унинг қўпи саккиз ракъатdir.

Чошгоҳ намози вақти кун чиқиб, найза бўйи кўтарилган пайтдан бошлаб то заволдан – яъни, кун тиккага келиш вақтидан – озгина аввалгача давом этади. Афзали – кун қизиган пайтда ўқишидир.

## **ИСТИХОРА НАМОЗИ**

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга ҳамма ишларда истихора қилишини худди Куръондан бир сурани ўргатгандек ўргатардилар. Айтардиларки:

<sup>156</sup> Абу Довуд (1287) ривояти

<sup>157</sup> Аҳмад (3/21, №11155) ва Термизий (477) ривоятлари

**«Бирортангиз бир ишни қасд қилса, фарз намозидан бошқа икки ракъат намоз ўқисин, сўнг ушбу дуони ўқиб, ортидан ҳожатини айтсин»:**

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِرُكَ بِعِلْمِكَ وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ  
الْعَظِيمِ فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ وَأَنْتَ عَالَمُ الْغُيُوبِ اللَّهُمَّ إِنْ  
كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةً أَمْرِي (أَوْ قَالَ:  
عَاجِلٌ أَمْرِي وَآجِلٌهُ) فَاقْدُرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ لِي ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ  
هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةً أَمْرِي (أَوْ قَالَ: فِي عَاجِلٍ أَمْرِي  
وَآجِلٌهُ) فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاصْرِفْنِي عَنْهُ وَاقْدُرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ثُمَّ رَضِّنِي بِهِ

*Мазмуни: «Парвардигоро! Мен Сенинг илминг билан Сендан истихора этаман (яхшиликни сўрайман). Сенинг қудратинг билан Сендан қодирлик тилайман. Сендан улуғ фазлинг билан сўрайман. Сен қодирсан, мен қодир эмасман. Сен ҳамма нарсани билувчисан, мен билувчи эмасман. Сен ғайбларни-да билувчидирсан. Парвардигоро, агар мана шу ишни (ҳожатининг номини айтади) мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида ёки тезида ва келажагида яхши эканлигини билсанг, мени унга қодир эт ва уни менга осон қил. Сўнг уни менга баракотли этгин. Агар бу ишни мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида ёки тезида ва келажагида ёмон эканлигини билсанг, уни мендан ва мени ундан бургин. Қаерда бўлса ҳам менга яхшиликни насиб этгин. Сўнг мени бу яхшилик билан рози қилгин».*

Инсон ҳар қандай қиласиган ишининг оқибати нима бўлишини билмайди. Шундай экан аҳамиятли ҳар қандай ишни қилишдан аввал, мақсад қилган ишининг яхшилигини тилаб Аллоҳга истихора намози ўқиши суннат. Истихора намози икки ракъат нафл намоз бўлиб, Аллоҳ таолодан мақсад қилган ишида дунё ва охирати учун яхши, фойдали бўлган томонига йўллашини сўралади. Ана ундан кейин иккиланиш ва тараффудни ташлаб, қалби хотиржам ва рози бўлган ҳолатда Аллоҳ таоло тақдирига ёзган нарсага қараб ишига киришади. Агар Аллоҳ унга яхшиликни ёзган бўлса, иши юришиб кетади. Мабодо ишининг юришмаётганини кўрса, Аллоҳга ҳамд айтиб, бу ишидан тўхтайди. Иши юришмаганига афсус надомат қилмайди, балки Аллоҳдан яхшиликни бошқа, Ўзи билган томондан беришига умид боғладайди.

## МУСОФИР КИШИННИНГ НАМОЗИ

Аллоҳ таоло “Нисо” сурасининг 101-оятида шундай дейди:

وَإِذَا ضَرَبْتُمْ فِي الْأَرْضِ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الصَّلَاةِ إِنْ حِفْتُمْ أَنْ يَفْتَنَكُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا إِنَّ الْكُفَّارَ كَانُوا لَكُمْ عَدُوًّا مُّبِينًا ﴿١٠١﴾

«Сафар қилиб бошқа ерларга борганингизда агар кофирлар фитнасидан қўрқсангиз, намозингизни қаср (қисқа) қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқдир».

Қаср ўқиш мусофири ўз шаҳрининг обод қисмидан чиқиши билан бошланади. Чунки, Аллоҳ таоло қасрни ерда сафар қилган кишилар учун мубоҳ қилди. Шаҳридан чиқмасидан туриб киши мусофири саналмайди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиққанларидан кейингина қаср ўқишни бошлардилар. Чунки, сафар - «саҳрого чиқмоқ» маъносидаги «исфáр» сўзидан олинган.

Мусофири кишининг сафари тақрорланиб турувчи бўлса ҳам намозни қаср ўқийверади. Масалан, шаҳарлараро почта ташувчилар ёки такси, автобус ҳайдовчилари каби кўп вақтлари шаҳарлар орасидаги йўлларда ўтадиган кишилар ана шу тоифага кирадилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Яъла' ибн Умайя шундай дейди: *Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан: Аллоҳ таоло: “Кофирилар фитнасидан қўрқсангиз, намозингизни қаср (қисқа) қилиб ўқишингизнинг гуноҳи йўқдир”* деган. *Ҳозир одамлар тинчлик-омонликлар-ку, (нега қаср ўқиласи?) деб сўрадим.* У киши: *Сиз ажабланган нарсадан мен ҳам ажабланниб, шу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраган эдим: «Бу Аллоҳ таолонинг сизларга қилган садақаси, Унинг садақасини қабул қилинглар»*, деб жавоб бердилар, деди.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу шундай дейди: *Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Мадинадан Маккага сафарга чиқдик.* У зот то *Мадинага қайтиб келгунимизча намозларни икки ракъат икки ракъат қилиб ўқидилар.* Унга (Анасга): Маккада бир мунча вақт тургандирсизлар? дейилганда: *Ўн кун турдик,* деб жавоб берди.

Аллоҳ таоло Ўзининг марҳамати ва фазлу қарами билан Ислом умматига сафарда тўрт ракъатли намозларни икки ракъат қилиб ўқишига рухсат берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарларида тўрт ракъатли намозларни

қаср қилиб ўқир ва икки ракъатдан зиёда қилмас эдилар, аммо уч ракъатли намозни учлигича ўқирдилар.

## САФАРДА НАМОЗЛАРНИ ЖАМЛАБ ЎҚИШ

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилған ҳадисда Ибн Аббос розияллоху анхумо шундай дейди: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ийл устида бўлсалар, пешин билан аср ўртасини, шунингдек шом билан хуфтон ўртасини жамлаб ўқирдилар".

Имом Бухорий ривоят қилған ҳадисда Ибн Умар розияллоху анхумо шундай дейди: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганманки, сафарда тез юраётган бўлсалар, шомни кечиктириб, хуфтон билан қўшиб ўқирдилар. Шом намозига иқома айтиб, 3 ракъат ўқирдилар, сўнг салом берардилар. Озгина турганларидан кейин хуфтонга иқома айтиб, уни 2 ракъат ўқирдилар, сўнг салом берардилар. Бу икки намоз ўртасида бирон ракъат намоз ўқимас эдилар, хуфтондан кейин ҳам то кечаси таҳажжуд намозига тургунларича бирон ракъат намоз ўқимас эдилар".

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмғирли кечада шом билан хуфтонни жамлаб ўқиганлар.<sup>158</sup>

Аллоҳ таоло бандаларига бўлган марҳамати ва фазлу карами ила улардан қийинчилик ва ҳаражни кўтаришни истади, сафарда тўрт ракъатли намозларни икки ракъатдан қилиб, жамлаб ўқишга изн берди. Зеро, мусоғир киши йўлда бораракан, ҳар намоз пайтида маркабидан тушиши ёки қўпчилик мингган умумий сайёralарда ҳайдовчини тўхтатиши иккала тараф учун ҳам ҳараж бўлиши мумкин. Шу боис мусоғир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатиб берганларидай, пешин билан асрни қаср қилған ҳолатда жамлаши ва қайси бирининг вақтига тўғри келса, шу вақтда ўқиб олиши мумкин. Шом билан хуфтон ҳам шундай ўқилади, фақат бомдод намозини ўз вақтида, икки ракъат қилиб ўқийди, бомдоднинг суннатини сафарда ҳам ўқиш суннат.

## НАМОЗ ЎҚИШДАН ҚАЙТАРИЛГАН ВАҚТЛАР

Имом Муслим ривоят қилған ҳадисда Уқба Ибн Омир розияллоху анху шундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни уч вақтда намоз ўқишидан ёки ўликларимизни дағн қилишидан қайтарар эдилар; қуёши чиқаётган вақтда то бир газ кўтарилиб олгунга қадар, кун тиккага келганида то мойил бўлгунича ва қуёши ботишга яқинлашганида то ботгунига қадар».

<sup>158</sup> Бухорий (543) ва Муслим (705) ривояти. Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумо ҳам шундай қилғанлар (Мусаннаф Абдирраззок (4440) ва Мусаннаф Ибн Аби Шайба (2/44)

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	4
Таҳорат.....	7
Таҳоратнинг сифати .....	8
Ғул .....	12
Таяммум.....	13
Таяммумнинг сифати .....	13
Таҳоратни синдирувчи нарсалар.....	14
Хайз .....	15
Нифос .....	15
Аёлларнинг намози.....	16
Сутра (тўсиқ) ва унинг вожиблиги .....	16
Азон ва иқомат .....	17
Азон дуоси.....	17
Намознинг шартлари .....	18
1.    Вақти кириши .....	18
2    Сатри аврат .....	18
3.    Поклик .....	19
4.    Каъбага юzlаниш.....	19
5.    Ният .....	19
Фотиха сураси .....	22
Кавсар сураси .....	23
Ихлос сураси .....	23
Намоздан кейинги зикрлар .....	32
Оятал курси .....	34
Дуо.....	34
Фарз намозларига қўшиб ўқилувчи суннатлар .....	35
Витр намози.....	36
Жамоат намозининг фарзлиги ва унинг фазилати .....	37
Сафларни текислашнинг вожиблиги .....	38
Аёлларнинг масжидга келишлари хукми .....	40
Имомга намозда эргашиш.....	41
Фожир ёки бидъатчи имомга намозда эргашиш масаласи .....	41
Саҳв (унутиш) саждаси .....	42
Намозда васвасани даф қилиш .....	43
Жума намози .....	43
Жума кунининг хусусиятлари .....	44
Жума намозининг сифати .....	45
Тарових намози .....	46
Ийд намозлари .....	47
Жаноза намози .....	49
Тунги намоз – таҳажждунинг фазилати ва сифати .....	50
Чошгоҳ (зухо) намози.....	51
Истихора намози.....	51
Мусофир кишининг намози.....	53
Сафарда намозларни жамлаб ўқиш.....	54
Намоз ўқишдан қайтарилган вақтлар .....	54

*Мұхтарам китобхонлар, биз ушбу китобчани ўзимизнинг қўлимиздан келганича сизларга Аллоҳнинг изни ила тақдим этдик. Хато-камчиликлар бўлса ўзимиздан, тўғри бўлса Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолонинг Ўзидан деб биламиз.*

*Ушбу китобчани чоп этилишига сабаб бўлган, таҳрир қилган ва илмий жиҳатлардан ёрдам кўрсатган азиз биродарларга, хусусан Исломнури веб саҳифаси таҳририятидаги мұхтарам биродарларимизга Аллоҳ таъоло ҳайрли ишларига мададкор бўлишини тилаб қоламиз. Ушбу китобчани ўқиган ёки эшиятган ҳар бир кишига уни манфаатли қилишини Аллоҳ таъолодан сўраб қоламиз.*

*Аллоҳ таъоло Пайгамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавот ва саломлар иўлласин, оламлар Робби бўлган Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолога ҳамду санолар бўлсин.*